

# O'zbekiston adabiyoti va san'ati



ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНАТИ Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqqan boshlagan • www.uzas.uz • 2010-yil, 22-oktyabr • № 43 (4078)

## ДЎСТЛИК ВА ҚАРДОШЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

Бир дарёдан сув ичган ўзбек ва туркман халқлари ўртасидаги дўстлик ва биродарлик алоқалари кўп асрлик муштарак тарихга эга. Тили ва дили бир-бирига пайванд икки халқнинг миллий анъана ва урф-одатлари, санъат ва маданияти илдизлари ҳам ўзаро чамбарчас боғлиқ. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон ва Туркменистон республикалари ўртасидаги ҳамкорлик ва яқин қўшничилик муносабатлари янги поғонага кўтарилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 19-20 октябрда Туркменистонда бўлиб ўтган расмий ташрифи кунлари бўлиб ўтган самимий учрашувлар, дўстлик фестиваллари чоғида ҳам асрлар синовидан ўтган икки халқнинг дўстлиги ва биродарлигининг теран илдизлари мамнуният билан тилга олинди. Президент Гурбангули Бердимухамедов тақлифига биноан бўлиб ўтган расмий ташриф Ашхободаги «Ўғузкент» қароргоҳида икки мамлакат раҳбарлари суҳбати билан бошланди. Унда Ўзбекистон ва Туркменистон муносабатларига доир кенг кўламли масалалар, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар, савдо ва иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, транспорт-коммуникация йўлаклари ва энергетика йўналишларини ривожлан-

тиришга доир ҳолис ёндашувлар юзасидан атрофлича фикр алмашилди. Ўзбекистон — Туркменистон — Эрон — Уммон — Қатар ва Форс кўрфазининг бошқа мамлакатлари орқали ўтадиган транспорт йўлагини ташкил этиш лойиҳасини ишлаб чиқиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Музокаралар якунида Ўзбекистон — Туркменистон қўша баёноти ҳамда мамлакатларимиз ҳукуматлари ўртасида маданий-гуманитар соҳада 2011 — 2013 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури имзоланди. Президентимизнинг қўшни мамлакатга расмий ташрифининг иккинчи кунини Ўзбекистон ва Туркменистон халқларининг дўстлик фестивали бошланган Тошхувоз шаҳрида давом этди. Мазкур фестивалда ҳар икки мамлакатдан уч

юздан зиёд санъаткорлар иштирок этиб, ўзбек ва туркман халқларининг азалий дўстлиги ва қон-қардошлигини тараннум этдилар. Президентлар халқ амалий санъати буюмлари ва озиқ-овқат саноати маҳсулотлари кўргазмаси билан ҳам танишдилар.

Фестивалда чавандозлар ва полвонлар ўз маҳоратларини намойиш этди. Туркменистон Президенти Юртбошимизга ноёб аҳалтеки зотли от совға қилди. «Рухият» саройида Ўзбекистон ва Туркменистон санъаткорларининг гала-концерти дўстлик фестивалининг асосий воқеаси сифатида бўлиб ўтди. Президентлар мамлакатларимиз тарихида илк бор ташкил қилинган ушбу ижодий анжуман икки халқ ўртасида маданият ва санъат соҳасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилишини таъкидладилар. Ашхобод ва Тошхувоздаги самимий учрашувлар, дўстлик фестивалида янграган дилрабо куй ва қўшиқлар дўстлик ва қардошлик руҳида ривожланиб бораётган икки халқ ўртасидаги ҳамкорлик, яқин қўшничилик муносабатларининг ўзига хос намойишига айланди.



**Навқирон авлод сўзи**

1. Сиз ижод моҳиятини қандай тушунасиз?  
2. Бугунги ижодий жараёнга муносабатингиз?  
3. Ижодкорнинг жамиятдаги ўрни нима билан белгиланади? Бу жараёнда ўзингиз ва тенгқурларингизнинг иштирокини қандай баҳолайсиз?

**5**

**Женгисбек ПИЯЗОВ:**  
1988 йили Нукус шаҳрида туғилган. "Ниҳол" мукофоти совриндори. 2009 йили Қозғистонда бўлиб ўтган халқаро кўрик танловда 1-даражали диплом, бу йил эса Москвада ўтказилган "Романсида" ёш ижрочилар халқаро кўрик-танловда олтин медал соҳиби бўлган. 2010 йили "Шухрат" медали билан тақдирланди. Ҳозирда консерваторияда таҳсил олиш билан бирга, Алишер Навоий номидаги катта академик театри солисти сифатида ижод қилмоқда.

## ЯЛАНГТЎШ, МЕҲНАТКАШ, ҚАЛАМ ДЕҲҚОНИ

Она тилим — онажоним тили бу, Бешикдақ синган жону қулоқда. Элу юртим, хонумоним тили бу, Қадимликда ўшар она тупроқда. Боболардан бизга мерос эзгу тил, Авлодларга хазинайи бебаҳо. Қадимизга, руҳимизга кўзгу тил, Бу дунёга бағишламиш не даҳо...

Ушбу сатрлар муаллифи Ўзбекистон халқ шоири Миртемир. Она тилимизга Давлат тили мақоми берилган кутлуг сана арафасида миллий адабиётимиз тарихида ўчмас из қолдирган сиймолардан бири Миртемир таваллудининг 100 йиллиги нишонланди. У ўзининг дилбар шеърлари, халқона оҳанглари ва достонлари билан она тилимиз ривожига бебаҳо ҳисса қўшган, тилимиз хазинасини бойитган ардоқли шоирдир. Ўзвучилар уюшмасида бўлиб ўтган анжумани Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Абдулла Орипов очди. Миртемир ўтган асрда, шўролар даврининг оғир йилларида яшаб ижод қилди. Маъшум тазумининг адолатсизликларидан кўпчилик қатори Миртемир ҳам бенасиб қолмади. Шоир замона зайлига бўйин эгишга мажбур бўлди, тоҳо қаламидан маҳзун, дардли мисралар тўқилди. Юраги эзилган чоғларда шеърятдан ланоҳ излади. "Сиз mening қалқонимсиз. Танчим, тоғ бардошим. Сиз борсиз — чўчи-толғай на дўзах ва на аёз", дея мурожаат этди. Кўнгил жароҳатига гўзал шеърий оҳанглр би-

лан малҳам қўйди. Истиқлол замонида Миртемир ижоди ва шахсияти чинакам қадрини топди. "Буюк хизматлари учун" ордени билан тақдирланди.

Миртемир шеърятда сўз санъати мезонларини янгилаган, янгича тамойиллар, янгича олам яратган шоир. Ижодий фаолиятининг бошланғич-даёқ янги шеърый жанр — "сочмалар"ни яратди. Бу шеърят оҳанг, фикр, туйғу тошқин дарёдек тўлқилланиб, жўш уриб оқди. Миртемирнинг шеърят дарёси ўзлари кенг, мазмунли теран. Шоир ўзи яратган сеҳрлий шеърят билан гурурланишга ҳақли эди. Мана шундай янғроқ, жарангдор сўз бергани учун она халқига таъзим қилди.

**Фақат, фақат халқимизга эгилур мағрур бошим, Халқимнинг ўзи бермиш сўз ахир, бу жаранг соз...**  
Шоирнинг "Сурат" достони лирик достончиликнинг энг юксак намуналаридан бири, сеғми мавзудаги оташин ва эҳтиросли достон. Унда миллий менталитетимиз, маънавиятимиз, халқимизнинг орзу-армонлари, характери жонибдор балний бўёқларда тараннум этилган. Шоирнинг "Қорақалпоқ дафтари" шеърый туркуми тилининг бойлиги, оҳанглари рағбатланганлиги билан ажралиб туради. Бу шеърларда кўбизларнинг ноласи, дўмбурча чанқовуларнинг наволари эшитилди. Кенг далаларда қўриларда эркин чопаетган отларнинг дупурлашию кишнашлари янғрайди.



Миртемирнинг таржимонлик мактаби алоҳида бир дорилфунун. Хомер, Руставели, Пушкин, Лермонтов, Некрасов, Гейне, Тагор, Бердақ, Нозим Ҳикмат ва яна жаҳоннинг қанчадан қанча буюк сўз санъати усталари ижодидан намуналар, кирғиз эпоси "Манас", қорақалпоқ эпоси "Қирқ қиз" Миртемирнинг таржимонлик маҳорати боис халқимизнинг маънавий мулкига айланган. Хотира кечасида Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Эркин Ҳоидов, ўзвучилар Носир Фозиллов, Наим Каримов, Мухаммад Али, Гулчехра Жўраева, Иброҳим Фафуров, Мирпўлат Мирзо ва бошқалар шоғирларини "киприкларим" дея аяб ардоқлаган шоирнинг бетакор ижоди, инсоний феълатлари ҳақида ибратли воқеаларни эсладилар. Ўзбекистон Миллий университети талабалари ва Тошкент шаҳридаги 247-мактаб ўқувчилари шоир шеърларидан намуналар ўқидилар. Миртемирнинг фарзандлари Мирза Турсунов ва Гулнора Набиева адабий анжуман ташкилотчиларига миннатдорлик билдирди.

Рустам МУСУРМОН

## ЮЛДУЗЛИ ОНЛАР

Асл деҳқон бутун йил давомида мўл ҳосил етиштириш ташвиши, она юртин обод этиш дарди билан яшайди. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пахтакор, гиждувонлик тажрибали деҳқон Розия Бекова билан дастлабки учрашувимиз бундан икки йилча аввал юз берганди. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2008 йил 20 июнда вилоятимизга ташрифи чоғида учрашган бир гуруҳ фермерлар қаторида Розия Бекова ҳам бор эди.

фат бераяптилар. Сиз ҳам кетманг. Бирга байрам қиламиз. Мағзақорон кишлоғи оралаган йўл бўйлаб бораётгиде атрофга назар ташлайман. Бир томонда аҳоли турар жойлари, бир томонда дала. Пайкаллар ҳосили анча сийрақлашиб қолган. Унга туташ жойда бугдой экишга ҳозирлик кўришяпти. Йўллар, кишлоқ одамларининг юриш-туриши, шарт-шароитлари, хонадонларини бундан ўн беш-йигирма йил аввалги манзара билан хаёлан таққослайман. Қанчалик катта, ҳатто ақл бовар қилмас даражада ўзгариш юз берганимга иймон келтирасиз. Ҳар бир хонадон олдида, албатта, ўзимизда ишлаб чиқарилаётган "Нексия", "Матиз", "Дамас" автомашиналарига кўзингиз ташади. Ҳатто "Ласетти"лар кўр тўкиб турган хонадонлар тўбра кўпайиб борапти. Кишлоқ йўлларидида транспорт қатнови шаҳардагидан қолишмайди. Бу фаровонлик, мустақиллигимиз шарофати.

**Ифтихор**  
— Тайёргарлик авжида-ку, — дедим табиий қизиқиш билан.  
— Кеча шартнома режасини бажардик, — деди йигит. — Унинг гап оҳанги, нигоҳларида фахрланиш ҳисси, ўзбекона салибият яққол сезилиб турарди. — Бугун тушиқда она зиё-

Ўзбекистон давлат консерваториясида Германия элчихонаси билан ҳамкорликда таниқли немис композитори Иоганн Себастьян Бах таваллудининг 325 йиллигига бағишлаб мусиқасида ўчмас из қолдирган композиторнинг ижодий мероси ўз даврининг деярли барча мусиқа жанрларини қамраб олган. Унинг фортепиано ва оркестр учун яратган олти "Бранденбург концертлари", шунингдек "Италиян концерти" ҳаётбахш оҳанглари билан тингловчани ром этди.


## ҚАЛБГА ЯҚИН ҚУЙЛАР

Иоганн Себастьян Бах педагог сифатида ҳам фаолият юритган. Дарс жараёнида ўқувчиларнинг қўбилигидан келиб чиқиб ёзган кичик инвенциялари ҳозиргача мусиқа мактаблари дастуридан жой олиб келмоқда. Тадбир давомида Бах яратган биринчи ва иккинчи "Бранденбург концертлари"нинг премьераси бўлиб ўтди. Мазкур асарни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Анавар Раимжонов раҳбарлигидаги "Ўзбекистон яккахонолари" ансамбли ва халқаро таниялов совриндори Мария Аҳаджонова ижро этди. Республика талови совриндорлари Сардор Жумаев, Наталья Возмищева томонидан янграган ижодкор асарлари ҳам мусиқа шайдолари қалбидан чуқур жой олди.

Дилноза АСАНОВА, консерватория талабаси

## ОНА ТИЛИ ДАРСИ

Ўғлим, таниб қолдинг оқу қорани, Энди эртақлар ҳам сени алдамас. Йўқ жойдан саволлар топасан менга, Нега "Она тили", "Ота тили"мас? Бу ҳақда ҳеч қачон кўрмабман ўйлаб, Қалбимни уйғотди бир илоҳий ҳис: "Бизнинг ўзагимиз она кўнглидир, "Она тили" дея айтимас бежиз. Билсанг, киндик қонинг тўқилган тупроқ Менинг дилим, сенинг, унинг дилидир. Агар-чи, Ватаним онажон десак, Бизнинг "Она тили" Ватан тилидир. Бу тилда сўзлайди ўзбек виждони,



Ва яна бор буца дунё ҳаваси. Тингласанг келади ҳар сўз қатидан Навоий бобонинг ўтли нафаси. Юрак негизда муҳаббат яшар, Она алласидан яралган бағт. Ўргилай, онажон деган тилинган, Демак, "Она тили" жонинг тилидир. Меҳр оқайтган томирларингда "Она тили" буюк қонинг тилидир.

Ҳалима АХМЕДОВА

**МИЛЛИЙ ТИЛ ТАЪЛИМИ РАВНАҚИ**

Тил — миллатнинг руҳи, унинг мавжудлик шarti. Шунинг учун ҳам ўзини ҳурмат қилган миллат тил ривожига ҳаёт-мамот масаласи деб қарайди, унинг равнақини таъминлашга жону жаҳонини бағишлайди. Шу маънода, миллий мустақиллик расман эълон қилинишидан икки йил аввал (ўша мураккаб ва зиддиятли даврда бу қанчалик улкан жасорат бўлган!) она тилимизга давлат тили мақомининг берилгани, тил таълими тараққийси учун катта имкониятлар эшиги очилгани — мустақиллик шарофати билан эришилган ютуқларнинг энг эътиборлиси. Бугун миллатимиз тарихидаги ана шу кутлуг айёмнинг 21 йиллигини нишонлаб турибмиз.

Савол туғилади: биз — соҳа мутахассислари бу табарруқ санани муносиб қарши оляймизми? Нималарга эришдик, олдимизда ечимли кутаётган яна қандай муаммолар бор? Бу саволларга биргина муассаса — Ўзбекистон Миллий университети ўзбек филологияси факультети фаолияти мисолида жавоб беришга интиламиз. Зеро, бу табарруқ даргоҳ миллий тилшунослик фани ва таълимнинг наинки мамлакатимизда, хорижда ҳам эътироф этилган марказидир. Бугунги кунда факультетда жами 22 нафар фан доктори, профессор, 28 нафар фан номзоди, доцент илмий унвонига эга мутахассис фаолият кўрсатаётган бўлса, шуларнинг қарийб ярми бевосита тил илмининг жонқуярлидир. Бундай илмий-педагогик салоҳият мамлакатимиздаги бошқа би-

рорта ҳам олий ўқув юртида мутахассислари бу табарруқ санани муносиб қарши оляймизми? Нималарга эришдик, олдимизда ечимли кутаётган яна қандай муаммолар бор? Бу саволларга биргина муассаса — Ўзбекистон Миллий университети ўзбек филологияси факультети фаолияти мисолида жавоб беришга интиламиз. Зеро, бу табарруқ даргоҳ миллий тилшунослик фани ва таълимнинг наинки мамлакатимизда, хорижда ҳам эътироф этилган марказидир. Бугунги кунда факультетда жами 22 нафар фан доктори, профессор, 28 нафар фан номзоди, доцент илмий унвонига эга мутахассис фаолият кўрсатаётган бўлса, шуларнинг қарийб ярми бевосита тил илмининг жонқуярлидир. Бундай илмий-педагогик салоҳият мамлакатимиздаги бошқа би-

муайян илмий мавзуларда тадқиқотлар олиб борилади ва тегишли фанлар ўқитилади. Уч кафедрага бирлашган тилшунослар факультетдаги икки бакалавр йўналиши — ўзбек филологияси ҳамда нутқ маданияти ва нотиклик; икки магистратура мутахассислиги — лингвистика (ўзбек тилшунослиги) ва лингвистика (туркий тиллар) бўйича талабаларга тил илмидан сабоқ берадилар. Шавкат Раҳматуллаев, Ермат Тожиев сингари салоҳиятли профессорлар ва улар изидан етишиб чиққан Бахтиёр Менглиев, Муҳаббат Қурбонова, Толиб Эназаров, Зулхумор Холматова сингари ёш фан докторларининг фаолияти, айниқса, эътиборга молик. Биз фақат тилшунослик хусусида сўз юритаётган бўлсак ҳам, таъкидлаш керакки, факультетда тил ва адабиёт илми узвий ривожланипти. Тилшуносларимиз ўзбек мумтоз адабиёти, матншунослик, миллий уйғониш ва ҳозирги ўзбек адабиёти; жаҳон адабиёти ва назария кафедраларида фаолият кўрсатаётган адабиётшунос, матншунос олимлар билан ҳамкорликда иш олиб борадилар.

Давоми иккинчи саҳифада

Бошланиши биринчи саҳифада

Розия опа теримчи қизлар билан ўзаро гурунглашаётган экан. Унинг чехрасидан нур ёғарди. Инсон кўпинча орзусига етган лаҳзаларда шундай бахтли онларни бошидан кечиради.

— Қаранг, насибангиз қўшилган экан — опа сано-алиқдан сўнг шундай дея лутф қилар экан чехраси янада ёришиб, самимий жилмайди. — Тудша аъзоларимизга зиёфат бераймиз. Маданият уйдан санъаткорларни чақирганмиз. Сиз ҳам қатнашиб, қувончимизга шерик бўлсангиз, бошимиз осмонга етарди.

Биргина Розия опа эмас, Файзулла Хўжаев номидаги маҳалла фуқаролар йиғини худудиди 145 гектар ерда деҳқончилик қилаётган фермер хўжалигининг барча аъзолари, бутун қишлоқ аҳли ана шундай кўтаринки кайфиятда эди.

Шу чоқ "Дамас" машинаси келиб тўхтади. Ундан бир йигит тушиб, ёнимизга келди.

— Бу киши ҳисобчимиз Бахтиёржон Саидов, — дея таништирди Розия опа сано-алиқдан сўнг.

— Даромадларимиз, сарф-ҳаражатлар ҳисоб-ки-

масида. Қорамолчиликни йўлга қўйганмиз. Нон маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган цехни ишга туширишга ҳозирлик қўраямиз. Болаларнинг дам олиши, қишлоқни ободонлаштиришга ҳам анчагина маблағ сарфладик.

Қатрада қўёш акс этганидек, бундай иқтисодий бақувват фермер хўжаликлари вилоятнинг ҳар бир туманида бор. Гектаридан 40-44 центнердан ҳосил кўтарган Вобкент туманидаги "Боқиев Исломи", Ўзбекистон туманидаги "Ҳалимовлар — 2000", Пешку туманидаги "Фаттоев", Бухоро туманидаги "Арбоб Ғайбулло", Ромитан туманидаги "Навобод", Жондор туманидаги "Жонибек Фарход", Олот туманидаги "Қазим Кармон", Когон туманидаги "Зарафшон жайрони" фермер хўжаликлари... Қорақўл туманидаги "Соҳиб" ва Қоровулбозор туманидаги "Раҳимбобо" фермер хўжаликлари фидойи меҳнатлари эвазига 35 цен-

ни бир тасаввур этинг!

Қалби яратиб, ўзидан ёрқин из қолдириш, ишқи билан ёниб турган касб соҳиблари учун интилишлари рўёбга чиққан кун юлдузли онлардир. Пахтакорнинг юлдузли онлари эса йил бўйи тўққан пешона тери, эгатларга сингишиб кетган кўз нури эвазига етиштирган ҳосилини йиғиб-териб олиб, она юрт олдида юзи ёруғ бўлган кундир. Бу кунга етгунча у қанча заҳмат чекишини, серташвиши жараёнларни бошдан кечиришини тасав-

## Ифтихор

вур этиш қийин эмас. Томчилардан уммон пайдо бўлгани сингари Бухоронинг осмонўпар хирмонида ҳам миллионлаб эгатларда етиштирилган ҳар чаноқ пахтанинг салмоғи, 3248 фермернинг, ҳар бир теримчининг улуғи бор. Янада чуқурроқ мушоҳада этилса, бу хирмон ҳосил тақдирини ўқиб бевосита масъул ҳар бир ватанпарвар инсоннинг ташаббускорлиги, тажрибаси ва интилиши туғайли юксали турибди. Юртбошимизнинг яқинда "Ўзбекистон пахтакорлар ва барча меҳнаткашларига" йўллаган табригида Бухоро вилояти пахтакорларининг ҳам шартномавий мажбуриятларини қисқа муддатларда органи билан адо этганиликлари алоҳида таъкидлангани барча бухороликлар қалбига гурур бағишламоқда.

Куз оёқлаб боргани сайин офтоб тафти псайиб, оқайтган сувлар тиниклашмоқда. Дов-дарактларнинг япроқлари секин-аста бандиларидан узилмоқда. Табиат киш уйқусига ҳозирланаётган. Фақат юлдузли онларини қаршилаган деҳқон бир муддат кўтарган хирмонига боқиб, кўнгида дунё қадар шодлик, фахр-ифтихор туядию янги куч, янги режалар билан яна қадрдон даласига йўл олади. Энди келаси баҳор ташвишлари унинг онгушуурини забт эта бошлайди.

*Ариқларнинг шўх оқиши тиниб қолди ушиб дам, Зарафшон-ку, кўрнадиди бир анҳорга тенгсина. Дала узра ёғиб сояб толади ҳатто кўёш ҳам, Меҳнат қилиб толкимадинг, Юртим, фақат Сенгина.*

Дерлар доим:

*"Инжиқ келди об-ҳаво бу йил кўп. Аммо, барча тўсқинлар ҳам забт этилди мардона!" Оромидан кечмай, буткул, қачон ахир, айтинг, ҳўп, Бободехқон осонгина етиштирган дурдона?!*

*Сен, деҳқоним, шоирага жуда ўхшаб кетсан, Ўзбекистонда оафтаринг — бу, ҳали бўм-бўм ерингдир. Чигит экиб, камолга дардарларинг нақи этсан, Чаноқларда кузган пахта, пахта эмас, шебрингдир.*

*Бу шундайин боқиб шераки, баланд учиб ўрганган, Оҳанглари овоз эмас юксакларга етади. Бутун бори кундай ёруғ тугйўларга бурканган, У умрингга шону шараф, мангулик бахш этмади...*

*Ариқларнинг шўх оқиши тиниб қолди ушиб дам, Зарафшон-ку, кўрнадиди бир анҳорга тенгсина. Дала узра ёғиб сояб толади ҳатто кўёш ҳам, Меҳнат қилиб толкимадинг, Халқим, фақат Сенгина.*

Ҳамиша эртанги кунга ишонч, шукрона, қаноат билан яшаш ум мазмунига айланган бободеҳқоннинг толганлари она юртининг фаровонлигига, истиқболимизнинг нурафшонлигига ярашгайди.

Жаҳонгир ИСМОИЛОВ

# ЮЛДУЗЛИ ОНЛАР

тердан ҳосил етиштирган бўлсалар, Шофиркон туманидаги "Азим Шофиркон юлдузи" фермер хўжалиги чўл худудидаги унумдорлиги ўта паст, қум-шағалли майдонлардан ҳатто 40 центнергача ҳосил олишга эришди. Аксарият фермерлар режанинг 90-100 фоизини биринчи навлар ҳисобига бажарганлари боис катта даромад олиб, механизатор ва сувчиларини ҳам қўшимча рағбатлантириш имконига эга бўлдилар.

Деҳқон машаққати, юқори ҳосил сирлари, пировардида, катта даромад олиш тўғрисида ўйлар эканман, пешкулик таникли деҳқон, вилоятда биринчилардан бўлиб фермер хўжалигини ташкил этган ва бугунги кунда Бухоронинг энг кўзга кўринган, иқтисоди бақувват мулкдори Ёқуб Фаттоевнинг қуйидаги фикрлари ёдимга тушади:

— Йил йилга ўхшамайди. Қолаверса, она ер "мана, ол", деб нъматларини ҳеч қачон кўш қўллаб тугмайди. Меҳнат қилган, ишининг қийин билган, қийинчиликлардан чўчимаган тадбиркор кишигагина ер саҳий бағрини очади. Деҳқончиликда Бухоро пахтачилик мактабининг ўрни бекиёс. Муайян иқлим шароити, вазиятга қараб қандай йўл тутиш илмий ва амалий асосланган тавсиялар биз учун табиат инжиқликларидан имкон қадар кам талофот қўрган ҳолда ўтиш кўзланган натижага эришишимизда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бу йил пахтачиликдан олинган даромад ўтган йилдагидан 75 миллиард сўмга ёки 52 фоизга кўпайиб, 220 миллиард сўмни ташкил этади. Ҳар гектар ердан 1,8 миллион сўм даромад олинди. Бунинг эвазига келгусида Бухоронинг янада обод бўлиши, янги-янги турар жойлар, таълим-тарбия муассасалари қад ростлаши, ишлаб чиқариш корхоналари ишга туширилиши, аҳоли турмушининг тобора фаровонлашиши сингари эзгу мақсадлар кўлами-



тобини шу Бахтиёржондан ўтказиб тушунтириш қийин, деб қўлиб қўйди опа.

— Юз гектар ерга пахта, қирқ беш гектарга дон эккандик, — дея гапни узокдан бошлади ҳисобчи йигит. — Элита уруғи етиштиришнинг ўз мезонлари бор. Албатта, тўлови ҳам юқори. Биргина пахтачиликдан 330 миллион сўм даромад олишни кўзда тутаямиз. Соф фойда 100 миллион сўмни ташкил этади. Аъзоларимизни хўжалик ҳисобидан даволаниш, дам олишга юборамиз.

Албатта, замонавий техника паркига эга бўлмасдан туриб кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Розия опа бу соҳага алоҳида эътибор беради. Ҳозир хўжалик техника паркига ўндан ортиқ замонавий, иш унуми юқори бўлган техника воситалари мавжуд.

— Мен фақат пахтачилик ёки галлачилик билан шугулланман, дейдиган давр аллақачон ўтди, — дейди Розия опа хўжаликни ривожлантириш режалари хусусида мулоҳаза юритар экан. — Қишлоққа қайта ишлаш саноатини олиб кириш, қўшимча ишчи ўринлари яратиш, маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, аҳоли турмуш шароитларини яхшилаш чораларини кўриш ҳам фермерлар зим-

# ИЖОДИЙ ТАФАККУР МИНБАРИ

"Шарқ юлдузи" журнали ўзига хос тарихга эга матбуот нашрларидан бири. Бир пайтлар журнал ижодий салоҳиятини белгиловчи мезон маконида қўйилган эди. Ҳар қандай ижодкор, у ширини, ёзувчи ёхуд адабиётшуносни, асарлари ана шу журналда чиқишини орзу қилган. Не-не истеълодларнинг бешигини тебратмаган дейсиз бу муътабар нашр.

Ижодий тафаккур минбари бўлган журнал бугунги кунда Президентимизнинг адабиётга юксак эътибори боис яна ўз мавқеини тиклади. "Шарқ юлдузи"нинг муаллифлар кўлами кенгайди, ўқувчилари сони ошди. Чоп этилаётган ижод намуналарига янгиланаётган адабиёт нафаси тобора яққолроқ сезилаётган. Журнал таҳририяти аъзоларининг Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ўзбек филологияси факультети профессор-ўқитувчилари, талабалари билан учрашувида ана шу ютуқлар эътироф этилди.

Шермуҳаммад НОРМУРОД, ЎЗМУ аспиранти

Журнал бош муҳаррири Улугбек Ҳамдам жамоанинг бугунги изланишлари, истиқболдаги режалар ҳақида сўзлади. Бош муҳаррир ўринбосари Икром Отамурод ва профессор Наим Каримовнинг таҳририят босиб ўтган ижодий йўл, унинг ўзига хос жиҳатлари ҳақидаги фикрлари иштироқчиларда катта таассурот қолдирди. Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси Ўрозбой Абдураҳмонов, таниқли адиб Асад Дилмурод, шоира Ойгул Суяндиқовалар ҳам журналнинг адабиётимиз ривожидидаги муносиб ўрнига алоҳида эътибор қаратдилар.

Учрашувда шоирлар, истеъдодли талаба-ёшлар янги ижод намуналаридан ўқидилар. Қизиқарли савол-жавоблар мулоқотга ўзига хос руҳ бағишладди.

# Тақдимот

14 октябрь кuni Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейининг мажлислар залида таниқли адиб Абдуқаҳҳор Иброҳимовнинг "Кутуби тақдимоти" бўлди. Тадбирни очган адабиётшунос олим Ҳафиз Абдусаматов мазкур нашрнинг, айниқса, ёш авлодни ватанпарварлик, эл-юрт ишига камарбасталик, эътиқодга садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилишини таъкидлади.

Тақдимотда сўзга чиққан ЎЗР ФА вице президенти С.Ғулломов, академиклар А.Қаюмов, Б.Назаров, Ўзбекистон Муусулмонлар идораси раиси ўринбосари шайх А.Мансур ва бошқалар асарда муфтилар сулоласининг ибратли ҳаёти ва фаолияти ўзининг муносиб ифодасини топганини қайд этишди.


Биринчи ўзбек дипломати, миллатнинг маънавий-маданий дунёқараши соғлиги учун курашган мутафаккир Абдулла Авлоний XX аср бошларида "Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ" асариде она тилимизга арабча-форсча сўзлар камлик қилганидек, европача, хусусан, русча сўзлар ва атамалар зўрма-зўраки киритилиб, тил соғлиги бузилаётгани ҳақида қайғуриб ёзганди. Дарвоқо, ҳар қандай тилга кўрсатилган ташқи ва ички таъсирлар ҳозирги тезкор замонда ҳам намоён бўлиб турибди.

Чунончи, импорт маҳсулотлар орқали тилимизга кириб келаётган хоржий сўзлар қўлайиб бормоқда. Қолаверса, ўзимизда амалга оширилаётган кашфиёт ва иктировлар, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳам хоржий тилларда номланаётган холларга дуч келамиз.

Бизнингча, импорт маҳсулотлар орқали чет сўзларнинг кириб келишининг олдини олишдан кўра, ўзимизда яратилаётган маҳсулот ва кашфиётларни ажнайиб тилда эмас, балки ўзбекча номлаш масаласи муҳимроқ аҳамиятга эга. Шу маънода, сотувчи харидорга мослашиши шарт, акс ҳолда, маҳсулот эгаси касодга учрайди, шу боис маҳсулотимизни харидор тилида номлаш лозим, деган фикрга қўшилиб

# ИЗЧИЛИК ЗАРУР

лимиз мавқеининг мастаҳкамлаишига шариот яратади. Маҳсулотнинг кўпинча яратувчисигагина маълум бўладиган жиҳатлари ҳамда унинг шакл-шамойили, таркиби ва бошқа хусусиятлари маҳсулотга муаллиф томонидан қўйиладиган номда муҳассамлашади. Номнинг миллий тилда бўлиши учун эса, мутахассиснинг иктиросидан қатъий назар, унга талабалик чоғидаёқ миллий тил ва унинг руҳиятини янглаб етадиган даражадаги билим, кўника берилиши талаб этилади. Мазкур йўналишда ўзбек тилига давлат тили мақоми берилгандан кейин, уни ўқитиш ва ўргатишнинг биринчи босқичига оид ишлар тўла-тўқис амал-



га оширилди. Хусусан, мамлакат худудидидаги барча ўқув юртрадида она тили фани учун етарли даражада дарс соатлари ажратилади, махсус кафедралар очилди. Афсуски, бу кафедралар фаолияти кейнчалик тўхтаб қолди. Бу эса, давлат тилини ўқитишнинг иккинчи босқич ишларининг амалга ошмай қолишига сабаб бўлди.

Агар барча ўқув юртрадида ўзбек тили кафедралари қайта тикланса, шубҳасиз, мамлакат миқёсидидаги илм даргоҳлари ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларини ўзида миллий тил ва миллий руҳни муҳассам этган мутахассислар билан таъминлайди.

Айни пайтда баъзи бир радиодастурларнинг асосан ёшларга мўлжалланган эшиттиришларида айрим бошловчилар ўзбекча сўзлар билан европача шаклда жумла тузишга интилади. Масалан, "...бугун юртимизда ўзларининг висол, никоҳ оқшом тўйларини нишонлаётган икки ёшларимизни бугунги кунлари билан табриклаймиз" тарзидаги тумтароқ жумалар асрлар давомида шакланган тилимиз қонуниятларига зид, албатта. Тингловчи-мухлислар бундай эшиттиришлардан етарли даражада янгилик ва на маънавий озуқа оладилар. Албатта, минглаб тингловчилар хиз-

# МИЛЛИЙ ТИЛ ТАЪЛИМИ РАВНАҚИ

Бошланиши биринчи саҳифада

Эътироф этилган бир ҳақиқат бор: бирор соҳада таълим чинакамига ривожланиши учун фан тараққий этган бўлиши шарт. Илм муттасил тараққий этмас, фанда эришилган энг сунгги ютуқлар ўқув жараёнига татбиқ этилмас экан, таълим соҳасида ўсиш, юксалиш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Шу маънода, факултетда устоз Айюб Ғулломов асос солган ўзбек тилшунослиги мактаби янги авлод мутахассислари томонидан муносиб давом эттириляётгани, бу мактаб эришган ютуқлар янги муваффақиятлар билан муттасил бойитиб бориляётгани, айниқса, қувонарлидир. Бугунги кунда бу таълим масканда тилшуносликнинг қуйидаги илмий йўналишлари тобора ривожланаётганини таъкидлаш керак.

Биринчидан, замон тақозоси бўлган компьютер лингвистикаси йўналишида илмий изланишлар олиб бориляпти. Компьютер лингвистикаси ўзи нима? Мутахассислар фикрича, бу соҳанинг асосий мақсади тилшуносликка оид масалаларни ечишнинг компьютер дастурларини яратишдир. У амалий тилшуносликнинг бўлиши бўлиб, матнга компьютер ёрдамида ишлов бериш билан боғлиқ вазифаларни бажарилади. Тилларни ўқитиш, билимни текшириш (баҳолаш), матни турли жиҳаддан автоматик таҳрир қилиш, машина таржумаси учун мўлжалланган дастурларни ишлаб чиқиш, лугатларни ва компьютердаги маттни статистик таҳлил қилиш шулар жумласидандир.

Кўрнадикки, катта ҳажмдаги ахборотни қайта ишлаш зарурати компьютер лингвистикасини тақозо этади. Буларни мазкур соҳанинг ўзига хос йўналишлари, деб ҳам аташ мумкин. Агар ушбу йўналишларнинг моҳиятига чуқурроқ эътибор берилса, уларнинг ҳар бири ўзбек амалий тилшунослиги учун нақадар ҳаётий, зарурий аҳамият касб этиши аён бўлади. Шунга қўра, компьютер лингвистикасининг айни вазифалари асосида бугунги кунда ўзбек тилшунослигининг компьютер билан боғлиқ ҳолда ҳақиқий лозим бўлган қуйидаги масалаларини таъкидлаб кўрсатиш мумкин:

- ўзбек тилининг ахборот (компьютер) усулбини яратиш;
- ахборот матнларидаги қолипчилик, қисқалик, аниқлик мезонларини ишлаб чиқиш;
- интернет сайтларини яратиш мезорларини белгилаш;
- компьютер ноҳодли ва таржима лугатларини ишлаб чиқиш;
- ўзбек тили ва адабиёти дарсликларининг электрон версияларини тизимлаш;
- компьютерда интлгичча "ўзбекча" ва "ўзбекча-инглизча" таржима дастурларини тузиш;
- ёзма матнларни таҳрир қилиш дастурини яратиш.

Қувонарлиси шундаки, бу борада муайян натижалар қўлга киритилмоқда. Бугун айни шу йўналишда бир неча докторлик ва номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинди, бакалаврият ва магистратура босқичида таҳсил олаётган йигирмадан зиёд талаба компьютер лингвистикаси билан боғлиқ мавзуларда малакавий битирув ишлари ҳамда магистрлик диссертациялари устида изланиш олиб боряпти.

Иккинчидан, шаклланиши ва ривожланиши тўла маънода миллий мустақиллигимиз билан боғлиқ бўлган ўзбек субстанциал тилшунослиги борасида муайян ютуқлар қўлга киритилмоқда. Учинчидан, шу йўналиш заминиде шаклланаётган градуал лингвистика бўйича тадқиқотлар олиб бориляпти. Ўзбек заминиде шакланган бу тилшунослик натижаларидан Ғарб мамлакатларида, хусусан, Германияда замонавий "WordStat" интернет лугатларини тузишда кенг фойдаланилмоқда. Мутахассислар фикрича, бу тилшунослик ютуқларини Ўзбекистондаги бошқа тилларни илмий тадқиқ қилишга жорий этиш жаҳон миқёсиде том маънодаги янги миллий ўзбек тилшунослиги шаклланиши учун замин яратеди.

Туртинчидан, тилшунослик ва социология кесилишида пайдо бўлган социоллингвистика, психология ва тилшунослик синтезида юзага келган психоллингвистика тобора ривожланимоқда. Бу йўналишлар алоҳида фан сифатида бакалаврият ва магистратура ўқув режаларига киритилгани ҳамда уларни ўқитишда муайян ютуқларга эришилаётганини замон тақозоси, деб билимко зарур.

Бешинчидан, тилшунослик ва табиий фанлар, деган алоҳида илмий йўналиш шаклланди ва у фан сифатида ўқитилмоқда. Тилшунослик ва медицина, жумлалдан, психотерапия ва нотқиқ санъати, шунингдек, тилшунослик ва психиатрия, яъни матида бўлиш масъулиятини олий ўқув юртининг мазкур соҳага ихтисослашган йўналишини битирган мутахассис нисбатан теранроқ ҳис қила олади. Олий даргоҳ таҳсилини олган мазкур соҳа эгаси мухлислар эътиборига ҳавола қилмоқчи бўлган мавзуси хоҳ қўнғилчор, хоҳ ижтимоий-сиёсий, хоҳ илмий-назарий мазмунда бўлсин, уни эфирга узатишдан олдин жиддий тайёргарлик қўради. Мавзу учун зарур бўлган масъул шахслардан маслаҳат олади ҳамда бошқа манбалардан унумли фойдаланади.

Ҳулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, миллий тилининг умрбоқийлигини таъминлаш — миллий тил ва миллий руҳ мажмуи масаласини авлодларга тушунарли, сингдириш доимий ҳамда давомий иш олиб боришни тақозо этади.

Дилшодбек ҲАКИМОВ, ЎЗР ФА Тил ва адабиёт институти илмий ходими

турли руҳий касаллик ҳолатидаги нутқий хусусиятлар масалаларини, математик методларнинг тилшуносликка ўтиши, бошқача айтганда, эҳтимолий назарияси ва статистик методдан фойдаланиши муаммоларини ана шу фан ўрганади. Лингвогеография, яъни тилшунослик ва картография, шевашунослик ҳамда ареал лингвистика масалалари ҳам шулар жумласидандир.

Таъкидлаш керакики, тилшуносликнинг бу замонавий илмий йўналишларини тараққий эттиришда Ўзбекистон Миллий университети олимлари республикада етакчилик қилиб келмоқда. Энг муҳими, илмдаги бу янгилықлар муттасил ўқув жараёнига татбиқ қилинмоқда. Бу эса, тил таълими тараққиётининг асосий омилдир.

Таълим тизимининг бугунги кундаги энг долзарб муаммоларидан бири — дарсни замонавий педагогик технологиялар асосида ўтиш. Мърузалар профессор-ўқитувчининг монополия эмас, ўзаро мулоқот асосига қуриляётгани, талабалар дарсининг пассив тингловчиси эмас, балки фаол иштирокчиси, ҳатто ижрочиси мақомига олиб чиқилишига ҳаракат қилинаётгани бу борада ҳам натижалар қувонарли эканидан далоят беради. Бугун дарс бериш жараёни замон талабларига монанди янгиланиб, тақомиллаштириб боришти. Университет профессор-ўқитувчилари бежиз илмий-педагогик қадр, дейилмайди, ахир. Зеро, бугунги муаллим ўз соҳасининг эътироф этилган олми сифатида

## Тилга эътибор — элга эътибор

илмдаги энг сунгги кашфиётлардан хабардор шахсина эмас, уларнинг муаллифи ҳамдир. Шунинг баробарида, ана шу кашфиётларни муҳаббат билан ўқув жараёнига олиб кирдири, амалиётга татбиқ этади. Ана шу икки фаилатини ўзида мужассам эта билсагина у мутахассис сифатида замон талабларига тўлиқ жавоб бера олади. Факултетимизда тил илми асосан ана шундай профессор-ўқитувчилар томонидан ўқитилляпти. Бу борадаги ишлар тилшунос Муҳаммадjon Қодиров раҳбарлик қилаётган факултет ўқув-методик кенашини, профессор Улугбек Додимов бошқараётган сифат комиссияси томонидан муттасил назорат қилиниб, мувофиқлаштириб борилмақда.

Эришилган ютуқлар баробарида айрим муаммоларимиз ҳам йўқ эмас. Бу муаммолар, биринчи навбатда, устоз тилшуносларнинг навқирон излошларини тайёрлаб етиштириш билан боғлиқ. Бунинг учун факултетда университетимиз миқёсиде яхши натижа бераётган тизимга амал қилинади. Иқтидорли талабалар саралаб олинди, илмий фаолиятга жалб этилди.

Иқтидорли ёш олимлар етишиб чиқшида бакалаврият — магистратура — аспирантура — докторантура тарзида таълим тизимининг узлуksизлиги ва узилийги таъминланаётгани алоҳида аҳамият касб этмоқда. Бугун факултетда фақат тилшунослик йўналишининг ўзида ўзбек тили, тил назарияси, туркий тиллар мутахассисликлари бўйича аспирантура ва ўзбек тили мутахассислиги бўйича докторантура мавжуд. Хуллас, илмий-педагогик фаолият билан шугулланиш истигаидиги ёшлар учун барча имкониятлар бор.

Бирорта ҳам фан соҳаси халқаро ҳамкорликка, ўз қўбидига ривожлана олмайдди. Бу — аксиома. Бугунги кунда мустақиллик шарофати билан она тилимизнинг халқаро нуфузи ортиб бораётган. Хитой пойтахти Пекиндаги Миллатлар марказий университетида, Жанубий Кореянинг Пусан университетида, Киев Миллий университетида махсус ўзбек тили йўналишлари очилгани, мазкур мамлакатларнинг ёшлари она тилимизни ўрганишга алоҳида рағбат кўрсатаётгани, факултетимиз профессор-ўқитувчилари мазкур нуфузли олий таълим муассасалари талабаларига дарс бериб келаётгани ҳам бунинг ёрқин далилидир.

Хоржий мамлакатлардаги мазкур олий ўқув юртрали талабаларининг она тилимизни мукамал ўрганиш истигаиди Миллий университетимизга ўқшга келаётгани она тилимизнинг халқаро нуфузи тобора юксалаётгани исботидир. Айни келда Ўзбекистон Миллий университети ўзбек филологияси факултети лингвистика (ўзбек тилшунослиги) мутахассислигида икки нафар корейс миллатига мансуб талаба — Ли Че Рин ҳамда Жо Мин Ёнг таҳсил олмоқда. Улар ўзбек тилида эркин сўзлашишдан ташқари, бизнинг тилимиздаги сифатлар ва ибораларни корейс тилидаги ана шу лисоний ҳолисалар билан қиёсий жиҳатдан ўрганмоқдалар.

Факултет профессор-ўқитувчилари Германиянинг Гумбольдт, Хитойнинг Шинжонг университети билан ҳам ақиндан ҳамкорлик алоҳаларини йўлга қўйганлар. Шинжонг университети ўқитувчиси Турсун Қурбон Миллий университети тилимизда, факултетимиз ўқитувчиси Зайнобиддин Абдурашидов Германияда номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилганлари ўзаро ҳамкорлик уфқлари кенгайиб бораётганини тасдиқлайди.

Кўрнинб турибдики, Ўзбекистон Миллий университети Ўзбек филологияси факултетиде тилшунослик фани ва таълими замон талаблари даражасида ривожлантириш, халқаро миқёсда нуфузга, омуъ-эътиборга сазовор бўлишти. Бунинг асосий омилли, шубҳасиз, миллий мустақиллигимиздир, давлат тили мақомига эришган она тилимиз риважига давлат сясати даражасида эътибор кўрсатиляётганидир. Демак, миллий тил фани ва таълимининг янада тақомиллаштириши, эришилаётган ютуқлар кўлимини бундан ҳам кенгайтириш факултетнинг ҳар бир профессор-ўқитувчисига, иштирокли талаба-ёшларига улкан масъулият юкляйди.

Нурбой ЖАББОРОВ, Ўзбекистон Миллий университети Ўзбек филологияси факултети декани

“Мабдаи нур” ва “Кимё” асарлари муаммоси туфайли Бобораҳим Машраб таърихга доир бирламчи ва энг муҳим манбалардан бири сифатида “Таъриҳи қаландарон” асарига эътибор қаратилган...

Бу асарни Мухсин Зокиров илмий муомалага киритиб, у ҳақда: “XVII—XVIII асрларда ёзилган тарихий манбалар Машрабнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятини муфассал ўрганишда бир қатор қилмаст фикрлар тугдирилади. Аммо Исҳоқ Богистоний қаламига мансуб “Таъриҳи қаландарон” асарининг топилгани бир қанча чигал муаммоларни аниқлаш ва улар туғрисида дадил фикр юритиш имкониятини вужудга келтирди...” деб ёзади...

Ростдан ҳам у Бобораҳим Машраб ҳаёти ва ижодига аниқликлар киритдими?

Бу асарга тўқнаш келиб мен ҳайрон қолдим. Текширишлар унинг асл матни йўқлигини кўрсатди. Ундан айрим парчалар М.Зокировнинг “Эрк ва маърифат куйчилари” (1984) асари ҳамда “Шарқ юлдузи” журналида “Таъриҳи қаландарон” (1990) номи билан чоп этилган экан. Абдурашид Абдуғафуров, Абдуқодир Ҳайитметов, Исмаилов Абдуллаев каби йирик мутахассислар бу “манба”дан чет-бунга ўтишни маъқул қўридилар. Уларнинг бунга тўла ҳаққи бор эди. Чунки улар кўриб, ўрганиб, таҳлил қилиши лозим бўлган ва мазкур соҳа талабларига жавоб берадиган манбадан ўзи йўқ эди...

# МАТН ВА... БУТУН САВОЛГА ЯРИМТА ЖАВОБ

си менга “Маънавият юлдузлари” ва “Adabiyot” (Umumiy o'rta ta'lim maktablarining 9-sinf uchun darslik-majmua) kitoblariни кўрсатди. Уларда Бобораҳим Машрабга оид икки хил маълумот берилган эди. Гангил қолган ўқувчи уларнинг қай бири тўғри эканини сўради. Бошим қотди. Чунки улардан бирининг тўғри дейишига етарли асосим йўқ эди...

9-синф адабиёт дарслигида Машраб ҳақида шундай дейилади: “Олдларини Машраб 1640 ёки 1647(1657 ёзилса тўғри бўларди) — А.Ж. — йилларда туғилган деб ҳисобланган ва бу маълумотлар қатор илмий манбаларда кўрсатилган ҳам эди. Богистонийнинг “Таъриҳи қаландарон” асарини сиқиллаб ўрганиш натижасида аниқланган кейинги маълумотларга кўра Бобораҳим Валибобо ўли Машраб 1653 йилда Наманганда қосиб оиласида туғилган” (Q.Yoldoshev, V.Qodirov, Y.Yoldoshebekov. Adabiyot. T., Yangiyo'l Poligraf strbice, 2006 y., 123.).

Тест синовига абитуриентларни тайёрловчи қўлланмаларда ҳам худди шундай гаплар тақдорланган экан (S.Matchanov, SH.Sariyev. Adabiyot (Oliy o'quv yurtlariga kiruvchilar uchun metodik o'qilganma). T., Yurist-media markazi, 2010 y., 172.). Бу мазкур асарнинг жамиятда бирламчи манба бўлиб, мустақкам ўрин топанганини кўрсатди. Бироқ “таъриҳи қаландарон” асарининг адабиётшунослари ўқиганида унда Бобораҳим Машрабнинг 1653 йили, яна Наманганда ва яна қосиб оиласида туғилганини тасдиқловчи бирор маълумот учрамади. Бунинг устига таъриҳини манба сифатида ўрганишнинг унинг матни худда ноқулай ва зиятда қолдираркан... Бу ишда кўлёмза нуска йўқлиги таъдиқотчи имкониятларини қирқиб қўйди. Асарга манба ҳулоқасини бериб бўлмади. Лекин унинг иккита наشري ва уларга тушунтиришлар борлиги уни таъдиқот мақомида ўрганиш учун изн беради. Шу тариқа, икки нашр матнларини қиёсий қараб, ундаги маълумотлардан фойдаланишга уриндик.

М.Зокиров бу асар туркий (узбек) тилида ёзилгани туғрисида гапириб ўтади. У арабий ёзувдан қирилчага айлантирилган. Таржима эмас. Бу ҳолда икки матн сўзсиз мос тушуши лозим. Лекин М.Зокиров неғадир асарнинг ўзига бор матини “Шарқ юлдузи” га ҳам тўлиқ бермаган эди. Саҳифани эса, ўқувчида қатта умид ўйотиб, “Таъриҳи қаландарон” номи беэзаб турибди. “Эрк ва маърифат куйчилари”даги: “Бобораҳим асли Андижондин бўлиб, иродати таҳсил умидида Наманганга дохил бўлишиди. Бобораҳим Андижоннинг Алакчиён элатига мансуб мулла Вали хезимкаш (ўтинкаш) фарзандидур”, деб бошланувчи маълумот, Машраб ва Тўти беканининг ишқий моҳораси каби ҳикоятлар журнал нашрига кирмай қолган. Машрабнинг Бозор охунд даргоҳидан қувлиши, Маҳмуд Катагон томонидан қатл этилиши каби икки нашрда ҳам учрайдиган бошқа лаҳзалар матнларида жиҳдий тафовутларга дуч келишим. Машраб ва Бозор охунд жанжалда сўзларнинг риндона атери — ринд табииати, Боз устига муролоғчи Маймоқ сўфи — Охири Маймоқ сўфи, Бобораҳимнинг орога олиб — Раҳимбобони орога олиб, Бисёр озулда — бағоят озулда, иложи қолмашиш — иложи қолмади тарзида турлича қўлланиши ҳар қандай таъриҳчи матншуносни бу матнга йўлтатмайди. Гап тузилишида ахвол бундан ҳам ачинарли. Буни икки нашрнинг қарийб бошдан охири-

гача кузатиш мумкин. Матнда бунча кўп фарқи кўриб, мабодо бу иш таржима эмасмикан, деб ҳам ўйлагандим. Афсуски, у табиий! Мазкур нашрлар бирламчи манба бўла оладими? Тарихий матн таҳрир қилинмади. Бир неча нусхалар асосида танқидий матн тузилиши мумкин. Бу ерда матншунослик қоидаларига мутлақо риоя этилмаган. Матн инсталганча таҳрир қилинган... Балки олимларни ундан йироқлатган сабаблардан бири шу ҳамдир? М.Зокиров эса: “Бу асар Машраб ҳаёти ва ижодий фаолиятига тааллуқли ишончли ҳамда ғоят муҳим тарихий маъна (илк манба) бўлиб қолиши ўз-ўзидан аёндыр”, деб уни китобхонга тақдим этади. Таъдиқотчи мазкур кўлёмза 87 варак, 41 боб ва унинг 11 боби Бобораҳим Машрабга бағишлангани ҳақида хабар бериб, варақларни ўзи рақамлаганини таъкидлайди. Журнал нашрида эса, бирор матн кўлёмза нусханинг қайси бетидан олингани кўрсатилмади.

Таъриҳи воқеалари қурилиши кичик саҳна асарини эслатади. Гарчи Машраб “валиюллоҳ” деб таърифланса-да, матнда тасаввуфга алоқадор ҳеч нарса йўқ. Уни бу соҳадан анча узоқ одам ёзгани сезилди. “Қиссаи Машраб”да мажзуб-хал Ошқини, таъриҳида Абдулла Қаҳҳор асарларидаги инқилобдан олдинги бахтсиз ва чорасиз қимсага ўхшаш шахсни кўрамиз. Фейһнинг қолмашиш, этмиш, бормиш, топмиш, сўзламиш каби шаклларда қўлланиши ХХ аср ўзбек адабиётидаги тарихий-бадий асарлар тилига яқинроқ. Муаллиф Машрабнинг 10 йилга яқин ҳамроҳи эди. Лекин у ўзи гувоҳ бўлган ва ҳамроҳасининг шахсияти, сўйишлик ҳолини очиб берадиган бирор хос лаҳза келтирмади. Барча нақллар Пирмат Сеторий тилидан ривоят қилинади.

раб, Пирмат Сеторий ва Богистоний биргаликда бир қанча шаҳар ва ўлкаларни кезиб чиқди. Богистоний улардан айрилиб, қишлоғига йўл олади ва у ерда мактабдорлик билан машғул бўлади. Орадан 20 йил ўтиб, Сеторий унинг қишлоғига боради ва Машрабнинг ўлими ҳақида хабар келтиради. Исҳоқ Богистоний таъриҳида ўзи ва Машраб ҳаёт йўлини шундай тасвирлайди.


Воқеа шу таҳрир кенган бўлса, Машрабнинг Қошғар ўлкаси ва қалмоқ даштларида ўтган 18 йиллик саргардонлиги, 1689—1690 йиллардаги Малихо Самарқандий билан учрашуви, онасининг 1690 йили вафот этиши ва фанда эътиборли саналган айна бир қанча илмий маълумотлар таъриҳида асосланган бўлади? М. Зокиров худди шу таъдиқотчида Бозор Охунднинг 1678 йили вафот этган, дейди. Машраб эса, 1680—1681 йили унинг даргоҳидан қувлиб, Офок хожа ҳузурига кетганимиш? Таъриҳи матни ва М.Зокиров таъдиқотида бундай чалқашликлар шу тариқа давом этаверади... Богистоний: “Фақир мадраса таълимин иттимомига етказиб, ўз кентим Богистонда жойини бېқилмиш”, деб ёзади. М.Зокиров таъриҳида асосланган: “Ниҳоят, улар уч киши: Машраб, Пирмат Сеторий ва таъриҳи муаллифининг ҳамроҳлигида йўлга чиқиб, Хўжанд, Уратела, Шош (Тошкент), Сайрам ва Туркистон вилоятларини кезиб чиқдилар. Машраб ва Пирмат Сеторий Мовароуннаҳр томон йўл оладилар. Исҳоқ Богистоний эса ўз кентини Богистонга қайтиб, шу ерда турган бўлиб қолади”, деб хабар беради. Асарда Пирмат Сеторийнинг Машраб ўлимидан 8 йил кейин 60 ёшида (1719 йили) вафот этгани кўрсатилади. Таъриҳи 1718 йил 15 апрелда тугалланган

## Матншунослик муаммолари

Богистоний: “Фақир мадраса таълимин иттимомига етказиб, ўз кентим Богистонда жойини бېқилмиш”, деб ёзади. М.Зокиров таъриҳида асосланган: “Ниҳоят, улар уч киши: Машраб, Пирмат Сеторий ва таъриҳи муаллифининг ҳамроҳлигида йўлга чиқиб, Хўжанд, Уратела, Шош (Тошкент), Сайрам ва Туркистон вилоятларини кезиб чиқдилар. Машраб ва Пирмат Сеторий Мовароуннаҳр томон йўл оладилар. Исҳоқ Богистоний эса ўз кентини Богистонга қайтиб, шу ерда турган бўлиб қолади”, деб хабар беради. Асарда Пирмат Сеторийнинг Машраб ўлимидан 8 йил кейин 60 ёшида (1719 йили) вафот этгани кўрсатилади. Таъриҳи 1718 йил 15 апрелда тугалланган

# ФИҚР ТОҒЛАРИДАН ДУР ҚАЗИБ

Ўтган асрнинг 50-йилларида адабиёт майдонига кириб келган Ўзбекистон халқ шоири Жуманиёз Жабборов ижоди умуминсоний, ижтимоий, ахлоқий-маънавий муаммоларни дадил кўтариб чиққани боис ўша даврдаёқ кенг эътибор қозонди. Айни шу фазилатлари туфайли ҳам ижодкорнинг кейинги йилларда чоп этилган ўнлаб шеърый тўпламлари, мазмундор ва ҳаётий достонлари, турли мавзудаги драмалари адабиётимиз ривожига қўшилган муносиб ҳисса бўлди.



Она-юрт кенг ёзиб кўркам бағрини, Дилларга тўлдирар ҳаёқон, гурур. Қараган оламнинг очар бағрини, Бу кенглик, бу кўнги, бу ҳаёт, бу нур.

Шоир шеърятдаги ўзига хосликлар ўтган асрнинг 60-йилларидаёқ амавий танқидчиликнинг томонидан маънуният билан эътироф этилган эди. Хусусан, устоз Озод Шарафидинов “Замон — ҳалб — поэзия” номи таъдиқотчида Жуманиёз Жабборов ижодидидаги романтик услубга ва бу услуб асосида яратилган ҳаётий образларга алоҳида урғу берган. Ижодининг дастлабки босқичида бўй кўрсатган бу услуб унинг кейинги шеърларида янада қуюқлашиб, образлар янада ҳаётийлашди. Хусусан, сўнгги йилларда нашр этилган “Кўёш юрти”, “Хаёлимда ўзинг”, “Кўнглим гўзали”, “Ажаб дунё — севги дунёси” каби тўпламларида ана шундай романтик руҳ реалистик тасвирларда жилоланади, образлардаги ҳаётга ташналик, дилбарлик ва ўйноқ оҳанг ўқувчи қалбини ром этади.

Жуманиёз Жабборов шеърятининг етакчи хусусиятидан бири инсон ва унинг ҳаётдаги ўрнини китобхонга аниқлаштириш. Шу мақсадда у қатор шеърларида инсон қалбини ниҳоятда мурраккаб ва муқаддас туйғулар макони эканлигини замондошларига “чиғиб беришини” ўзининг шоирлик бурчи, деб билади:

Инсон қалби билан асло ўйнашманг, Инсон қалби билан сен қилма ҳазил. Инсон қалби — офтоб акс этган чашма, Гоҳ булутдай енгил, гоҳ тоғлардай энг.

“Она ер қўшиғи”, “Субҳидан ҳаёларни” тўпламларидаги лирик қаҳрамон давр дардини биладиган, уни теран ҳис қиладиган, она табииати келгуси насиллар учун беғубор сақлашга чора ахтарётган фаол инсон сифатида китобхонани фойдалиikka ундайди.

Ақсар шеърларида шоир фалсафий мушоадалар орқали ҳаёт мазмуни ва инсон умри ҳақидаги улғувор гоғларни кўтаринки руҳда қуйлади. Бу шеърлар инсон ҳаётдаги эҳтиётлар, замондошчилик характеридидаги эҳтиёт ва диёнат ҳақида баҳс очади. Жумладан, “Бундунёда”, “Дунёнинг ишлари”, “Умрини гоғлатда ўтказди бирор”, “Соат ва яркак”, “Ирмоқ ва дарё” каби шеърлар мазмунан теранлиги ва фалсафий умумламалари билан ажралаб туради. Уларда лирик қаҳрамон “олам кутубхонасини” варақлаб, бу дунёда “увол қўпу, савоб кам”лығыдан, ҳеч бир ишнинг



“таъзим ила тавоф”сиз амалга ошмаслигидан изтиробга тушади. Лекин ҳаётнинг бундай ўткинчи ҳоллари лирик қаҳрамоннинг йўлига тўсиқ бўла олмади. У “ўтги ҳақиқат сўзи” кураш йўлларида суянақ бўлишига ва ақл-идроқи-гоғи ишонди:

Синовлар ичда борғувчи инсон, Тарк этмасин сен эътиқод, имон. Ақлнинг таянғин, ўзинга ишон, Ҳар ким ўз дардини қуйга соғладир.

Шоир шеърятда ҳақида гапирганда унинг ўлмас мавзу — муҳаббат мавзудидаги шеърларини четлаб ўтиб бўлмайди. Унинг бу мавзудаги шеърлари ҳозирги ўзбек муҳаббат лирикасининг яхши намуналари қаторидан

## Қалб ва қиёфа

Ўрин олди ва айримлари халқимизнинг севилими қўшиқлари айланади. Чунки, “Кўзлар”, “Сен қалбимни сўрадинг”, “Бул кеча”, “Севги”, “Тол тағида”, “Ер агар кирса чаманга” каби шеърларда соҳир туйғулар жўшқин тарзда, севгининг сезилмас сирлари, изтироб севинчилари гўзал ташбеҳлар ва сармаёб тимсолларда тасвирланади. Айниқса, муҳаббат мавзудидаги газалларини ўқиб, шоирнинг мумтоз адабиёт аъёнларини пухта ўзлаштирганга гағув бўлаимиз. Хусусан, унинг Алишер Навоий, Фузूलий, Фурқат ва Атойи газалларида боғланган муҳаммаслар диққатга сазовордир.

Жуманиёз Жабборов айни пайтда ҳам ҳозирги ўзбек шеърятининг газал жанри ривожига катта ҳисса қўшиб келадиган шоирларимиз сирасидан. Унинг газалларида севги ва вафо, ҳижрон ва висол ҳамда ахлоқий-тарбиявий мавзулар лирик қаҳрамон кечинmalarининг табиийлиги ва ҳозирги адабий тил бойликлари висотасида ифодаланади. Жумладан, шоирнинг “Сарвлар”, “Ўзиндан кўр”, “Эй қалам”, “Ажаб дунё экан бу...”, “Гулб оичра”, “Ўландан сўр”, “Дўстлар” каби газалларида жанрнинг ўзига хос мазмун-моҳиятини белгилоччи хусусиятлар замондошимиз қиёфаси ва давр руҳини кўрсатувчи ҳиссий оҳанг ва фикрлар силсиласида очиб берилади. Шунинг учун ҳам бу шеърларни атоқли шарҳуносу ва таржумон Ш.Шомухамедов мақолаларининг бирда “Эл ора-

сида руҳағзо ва дил ёритар лирика”, деб атаган эди. Шоирнинг бир қатор поэмалари адабиётимиздаги мазкур жанр таракқиётига сезиларли ҳисса бўлиб қўшилди. Уларда Ойбек поэмачилиги аъёнларининг муваффақиятли давом этирилиши адабиётшунослар томонидан ҳақиқатида эътироф этилди. Жумладан, “Она-ер қўшиғи”, “Йўлдаги ўйлар” достонлари муаллифга катта шухрат келтирди. “Она-ер қўшиғи”даги лирик қаҳрамон ички дунёсининг тасвирида асарнинг асосий пафоси — она-Ватан билан гурурларини ва унга фарзандлик бурчини ҳис қилиш қанчалар орқали баён қилинади:

О, она-ер, сезаман аниқ, Меҳринг тағди қўёш ёқмоқда. Мен — ер ўли Антей янглиқ, Сендан дилга қудрат оқмоқда.

“Йўлдаги ўйлар” асари ҳам ўзининг фалсафий-лирик хусусияти билан поэма жанрда янглиқ бўлди. Унда маънавият масаласи — замон ва адабиёт ҳақида — шоир, олим, расом ва деҳқоннинг баҳси орқали нафосатнинг инсон ҳаётидаги ўрни кўрсатиб берилади. Жуманиёз Жабборовнинг драматургия соҳасидаги ижоди ҳам салмоқлики “Ўжарлар”, “Тўйдан олдин тоша”, “Йиллар ўтиб”, “Чўл чалмоғи”, “Муҳаббат наққоши”, “Менинг оқ кабутарларим” пиесалари республикамиз ва бир қатор қўшни мамлакатлар театрларида узоқ вақт намойиш этилди. Муаллифининг драмалари орасида “Ўжарлар” сара асарлардан бири. Ёш қурувчиларнинг ички дунёсида юзага келадиган ўзгаришлар ва жамиятга масъул инсоний қиёфанинг шаклланишини кўрсатиш “Ўжарлар” комедиясининг гоғвий йўналишини ташкил этади. Қурилишида ишлаётган “Ўжар” йигитларга раҳбар бўлиб ишлаган Озода типидидаги хотин-қизлар образи ўзбек драматургиясида биринчи марта “Ўжарлар” комедиясида яратилди. Адабий жамоатчилик Жуманиёз Жабборовнинг “20 кун дафтери”, “Соҳиллар ҳиқояси” каби насрий асарларини ҳам яхши билади. Ёзувчи сўнгги йилларда кенг элик қамровидаги “Ҳайрат олами” номи насрий асарини эълон қилди. Муаллиф уни камтарлик билан хотирлар, деб ата-са-да бу асар адбичнинг ҳаёт ва ижод ҳақидаги қарашларини тиниқ акс эттирган бадиалар мажмуасидир. Китобхон мазкур бадиалар орқали муаллиф умр йўлининг унутилмас лаҳзалари, устозлар сабоқлари билан танишади. Асарда ўқувчи диққатини жалб қиладиган фазилатлардан бири инсон ва табиат ўртасидаги мувозанатини сақлаш ҳамда сайёрамизни ва унинг гўзаллигини авайлаб асраш ҳақидаги теран фикрларидир. Табиатнинг уч фарзанди бор: инсон, ҳайвонот, наботот. Албатта, инсон табиатининг гултоғи”, дейди ёзувчи ва она-заминни келажак авлодларга беэор етказишга даъват этади. Хуллас, ҳаёт ва ижод йўллари ҳақида ҳиқоя қилган шоир мазкур бадиалар орқали ёш авлодни мустақил Ўзбекистоннинг бугунги қамоли билан таништириш асносида уни севгиш ва ҳимоя қилиш муқаддас инсоний бурч эканлигини ўқтиради.

Шоир шеърларининг бирда:

Чирғоғим ўчмайди. Шеър ёзмаман мен, Фикр тоғларидан дур қазаман мен. Офтоқ саҳифани ҳаф бўлиб эмас, Ватан, меҳринг билан тўғлазман мен — дея лутф қилади.

Жуманиёз Жабборов ҳаёт деб аталмиш ҳайрат оламининг қўрқу маносини ўз шеърлари, бадиалари, поэма ва драмалари билан китобхон қалбига олиб қирди. Уша ҳайрат оламидаги фикр тоғларидан дур қазиб, уни Ватан меҳри билан улғуллади.

Дамин ТўРАЕВ, филология фанлари доктори, профессор



қиринди. У ўзбек ва форс-тожик мумтоз адабиёти аъёнларини руҳида газаллар битди, кейинчалик ҳар икки тилда дoston ва қиссалар ёзди, ўзбек адабиёти намуналарини тожик тилига, тожик адабиётдан ўзбек тилига таржумалар қилиб, ҳар икки халқнинг адабий, маданий алоқалари бойишига хизмат қилди.

Васфий 1908 йили Бухоронинг Вобкент туманида хизматчи оиласида таваллуд топди. Дастлаб шу ердаги бошланғич эски мактабда ўқиди. Мактабда битиргач, бунча вақтларида Шарқ мумтоз адабиётининг Ҳофиз, Фирдавсий, Шайх Саъдий, Навоий, Фузूलий каби буюк шоирлари асарларини мустақил ўқигани, Бухоро ва Урта Осиёнинг қадимий тарихига оид китобларни ўрганишига берилди. 1920-йилларда мадраса типидидаги мактабда ўқиди, туркий ва форсий тиллардаги қадимий манбалар билан танишди.

Шу билан бирга, Бухорода замонавий адабиёт ва матбуот билан, хусусан, 1921 йилда чиқа бошлаган “Бухоро ахбори” газетасида босилиб турган Файзулла Ҳўжаев, Фитрат, Саид Аҳрорий ва Чўлпоннинг мақола, шеър ва ҳиқояларини қизқиқш билан ўқиди. “Озод Бухоро” газетасида муҳбир сифатида мақолалар ёза бошлади, турли жамоат ва илғор ишларида хизмат қилди. Васфий 30-йилларида кўпчилик илғор миллатпарварлар қатори маълум қатоннинг оғир синовларини бошидан кечирди.

1951 йилдан Тошкентда чиқиб турган тожик тилидаги “Ўзбекистон сурх” (кейинчалик “Озов тожик”) газетасида 1969 йили нафақатга чиққунча қадар бўлим мудир ва газета ходими сифатида фаол ишлади. Шу йиллар мобайнида академик Фағур Фулом, шоир ва таржумонлардан Мўйинзода, Анисий, Чўстиғий, Қўтибдин домла, Шоислом Шомухамедов ва бошқалар билан яқин мулоқотда бўлиб, қизгин шеърый баҳслар, муносорларда иштирок этиб, бадиий таржима билан фаол шугулланди. Ҳамзининг “Майсаранинг иши” комедиясини, Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун” достонларини, Собир Абдулганининг “Богбон қизин” драматини, Комил Яшиннинг “Гулсара” мусикали драматини, Шароф Рашидовнинг “Қашмир қўшиғи” асарларини тожик тилига, тожик классик адабиётдан Абдурахмон Жомийнинг “Танланган асарлари” ва Камол Ҳўжаидиннинг лирик шеърларини, Мирза

Ғолиб, Мақсуда газалларини, шунингдек, Жалол Икромийнинг “Бухоронинг ўн икки дарвозаси”, Шукӯҳийнинг “Севинганлар ҳибосини” асарларини ўзбек тилига таржима қилди. Узоқ йиллик хизматлари учун “Ўзбекистонда хизмат қўрсатган маданият ходими” унвонига сазовор бўлди.

— Умрларининг охириги йилларида, — деб эслайди Васфийнинг қизи, филология фанлари номзоиди, матншуно оlima Халимаҳон Мухторова, — отам Фирдавсийнинг “Шоҳнома” асарини вазиини сақлаган ҳолда ўзбек тилига таржима қилди. Бу ниҳоятда оғир ва машаққатли иш эди. Афсуски, бу таржима чоп этилмай қolib кетди. Умид қиламизки, келгусида “Шоҳнома”нинг аруз вазилидаги унбу таржимаси ҳам нашр этилади. Дарҳақиқат, эзулик йўлида амалга оширилган ҳар қандай меҳнат самарасиз кетмайди. Хусусан, умрларининг адабиёт бахшида этган Васфий сингари шоир ва таржумонларнинг ижодий мерослари юртдошларимиз маънавий дунёсини бойитишга хизмат қилаверади.

## Ёднома

1951 йилдан Тошкентда чиқиб турган тожик тилидаги “Ўзбекистон сурх” (кейинчалик “Озов тожик”) газетасида 1969 йили нафақатга чиққунча қадар бўлим мудир ва газета ходими сифатида фаол ишлади. Шу йиллар мобайнида академик Фағур Фулом, шоир ва таржумонлардан Мўйинзода, Анисий, Чўстиғий, Қўтибдин домла, Шоислом Шомухамедов ва бошқалар билан яқин мулоқотда бўлиб, қизгин шеърый баҳслар, муносорларда иштирок этиб, бадиий таржима билан фаол шугулланди. Ҳамзининг “Майсаранинг иши” комедиясини, Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун” достонларини, Собир Абдулганининг “Богбон қизин” драматини, Комил Яшиннинг “Гулсара” мусикали драматини, Шароф Рашидовнинг “Қашмир қўшиғи” асарларини тожик тилига, тожик классик адабиётдан Абдурахмон Жомийнинг “Танланган асарлари” ва Камол Ҳўжаидиннинг лирик шеърларини, Мирза

Шерали ТўРДИЕВ

Воҳид ЛУҚМОН

# ЧОРРАҲАДА ТЕРМУЛАДИ КУЗ



\*\*\*

Фавворалар тинган, ўриндиклар бўш,  
Мажнунголлар кетган қайғулар дайди.  
Ортимдан эргашар синиқ ёмғир ўш,  
Барглр шитирлайди исмингни айтиб.

Оғир тортиб қолган автолар гўё,  
Бекатлар муңлидек кўринар кўзга.  
Сени кутавериб сарғайдимми ё,  
Ва ё айландимми сен севган кузга?!

Сен эса қайдадир — бошқа бекатда  
Турибсан заъфарон ўйлардан холи.  
Гўёки, ям-яшил барглр қатида  
Ярақлаётган бир барг мисоли.

Фавворалар тинган, ўриндиклар бўш,  
Изғирин тортиқлаб тўкар оҳорим.  
Ортимдан эргашар синиқ ёмғир ўш,  
Қайси бекатдасан менинг баҳорим?!

\*\*\*

Кўйлақлари хазон эди, хазон эди,  
Бир қўлида акраб, бирда мезон эди,  
Кулгулари қиммат, ашқи арзон эди,  
Унга қандай севмайман, деб айтоллардим.

Узуқлари бармоғидан узилганди,  
Туман сочи тароғидан узилганди,  
Бу дунёдан узик кўнгли бузилганди,  
Унга қандай севмайман, деб айтоллардим.

Кўзларини кўзларимга ботирганди,  
Қошларига ёшдан ўсма торттирганди,  
Ўттиз йилда битта дардқаш орттирганди,  
Унга қандай севмайман, деб айтоллардим.

Кўриб қолса, кўзларига қочар жой йўқ,  
Боладийн беркинади, кетар рой йўқ,  
Бу дунёда улдан кўра гўзал ой йўқ,  
Унга қандай севмайман, деб айтоллардим.

Кетар бўлсам хайр демай кетинг, дерди,  
Билмайдик, кетсам бошқа қайтолмасдим.  
Севмасангиз севмайман деб айтинг, дерди,  
Лекин сени севмайман, деб айтолмасдим.

\*\*\*

Йўлақларга тўкилар шивир,  
Новдаларда синидади кулгу.  
Кўча кезиб юрибди ёмғир,  
Чўмилади япроқлар — сулув.

Хиёбонда тентирайди дил,  
Йўл — турналар ташлаган арқон.  
Дарахларнинг оёғин ўпар  
Севиб-куйиб сарғайган хазон.

Ўриндикда жунжикар соғинч,  
Елка қисиб дилга хаёл.  
Бу дунёда бормисан соғ, тинч  
Кўнгли кўкларга тусанган, аёл.

Ойна йўлда автолар акси,  
Бекат гўё йиғлаётган кўз.  
Сен томонга термулад ўқиб,  
Чорраҳада туриб қолган кўз.

\*\*\*

Дилимни вароқлар бармоғин ҳўлаб,  
Юракни китоб деб ўйлайди бу қиз.  
Хар бир вароғимга теккизади лаб,  
Мени шoir қилмай қўймайди бу қиз.

Нигоҳим чўмилир кулгичлариди,  
Хонамга кийикдек бўйлайди бу қиз.  
Хаёлан яшайди гул ичлариди,  
Мени шoir қилмай қўймайди бу қиз.

Гапирсам бармоғин тишлайди нега,  
Машрабдан газаллар сўйлайди бу қиз.  
Кўйорса, қўлини ушлайди нега,  
Мени шoir қилмай қўймайди бу қиз.

Дўконга келгандек шёр сўраб келар,  
Ишқ ўйинин гирром ўйнайди бу қиз.  
Гоҳ сочини ёйиб, гоҳ ўриб келар,  
Мени шoir қилмай қўймайди бу қиз.

Йиғлайди сабабин айтмайди, гоҳо  
Кулади — бепичоқ сўймайди бу қиз.  
Бир куни савдойи қилади ва ё  
Мени шoir қилмай қўймайди бу қиз.

Ишим йўқми бошқа қалам, қоғоздан,  
Нега бунча шёрга тўймайди бу қиз?  
Ўлсам ҳам бир куни ўламан ноздан,  
Мени шoir қилмай қўймайди бу қиз.

\*\*\*

Тангрим танлаб сени менга раво кўрган,  
Хасталигин билмас дилга даво кўрган.  
Нелар кўринг мен ўн тўрт йил англамадим —  
Мен кўрмадим, аммо, жоним, Худо кўрган.

Пешонамга кинлар чиққ тортиб қўйди,  
Юрагимни кўрпа каби ёпиб юрдим.  
Қовоғимга йиллар юкин ортиб қўйди,  
Билмам нима излаб, нима топиб юрдим.

Ўн гапирсанг биттагина сўз демадим,  
Неки бўлса ич-ичимга қамалганди.  
Йил демадим, ой демадим, рўз демадим.  
Кўнгли кургур минг жойидан амалганди.

Тупроқ кечдим — қолаётган изимга маст,  
Асли мақсад-мудлоа не англамадим.  
Камалакка дўлдим — ўғил-қизимга маст,  
Бироқ сенга бирор бир ранг танламадим.

Мен севгани китоблардан ўргангандим,  
Елка дегани уч нуктаго хитоб экан.  
Китобларда ўргангандек ўргангандим —  
Асли, аввал ҳаёт, кейин китоб экан.

Қирқ кокилинг бир рўмолга ишонгансан,  
Бир кўнингда бешта мазмун — бешта қувонч.  
Юрагингни мен ҳаммолга ишонгансан,  
Ҳаётингда битта севги, битта ишонч.

Бир сўз демай костюмимни узатсан,  
Мен не махлуқ, бу дунё не дайр дейман?  
Кўлларингдан ўпгим келар, қузатсан —  
Ҳаддим сизмас, совуқина “хайр”, дейман.

Деразадан қўл силтайсан, иргайман бош,  
Дилимдагин тилга чик деб ўргатмасман.  
Қаролмайман ортта, сизар кўнглимдан ёш  
Балки сенга бу шёрни ҳам кўрсатмасман.

Кўнглинг нотинч, хавотиринг кетмас ҳаргиз,  
Ўн тўрт йиллик висол сенга ҳажр бўлди.  
Қай гуноҳинг учун жазо бўлдим, Наргиз,  
Айтгин, қайси савобимга ажр бўлдинг?!

ШАҲРИБОНУ

# Севги юрагимни лахча чўғ айлар

## ҲИСЛАР КАМАЛАГИ

Кузатиш — алвон ранг, кутиш — зангори,  
Севги юрагимни лахча чўғ айлар.  
Бинафша соғинчлар чертар дил торим,  
Юлдузранг овуңчлар йўлимни пойлар.

Опоқ булутларда ҳилширар умид,  
Орзиқиб кетаман — мовий ранг орзу,  
Мен таллинган ўша чучмома ранг хид,  
Дилимни аллалар ям-яшил хузур.

Ҳислардан ранг олдим, фикрим тўлишиди,  
Фасллар айланар камалак мисол.  
Юрагимни тонгта, тунга бўлишдим,  
Бизга насиб этди қумуш ранг висол.

## ГУЛЛАБ ҚҮЙДИ ЮРАК

Бемаврид ёққан қор мисоли бу ҳис,  
Мени ғам ичига қўйди-ку қўмиб.  
Сизнинг пойнигизга чўкмагайман тиз,  
Мен орзу қиламан кўзларим юмиб.

Хотирим жам менинг, сиздан кўнглим тўқ,  
Қай бирин танлашни билмай мен ҳалак.  
Нигоҳингиз голиб — мен сезганим йўқ,  
Билмай гуллаб қўйди юрак курмагур.

\*\*\*

Хаёлда сузади минг битта тасвир,  
Қай бирин танлашни билмай мен ҳалак.  
Сенга деб дамланган чойлар ҳам совир,  
Бир зайлла қорларга бурканди йўлак.

Опоқ қор сўзлайди ўз ўтмишини,  
Осмонда сузоқлик бахтмиди, айтинг?  
Бирга кутган эдик тонг отишини,  
Учмоққа қанотлар тахт эди, қайтинг.

Гарчи киприк қоқмай ўлтираман жим,  
Сиртдан қараганда ёрга ўхшайман.  
Аслида осмондан ёғётган сим-сим,  
Мен худди мана шу қорга ўхшайман.



Замира Эгамбердиевага

Шитирлаган хазонми асли,  
Ё овозим тоғлардан ошар?  
Кезар еллар атиргул исли,  
Умрим менинг шамолга ўхшар.

Юлдузлардан тизилган маржон,  
Осмонлардек кўнглим кенг эди.  
Ол ёноқли қизинг — Андижон,  
Қўйлагинга ўзим сиз эди.

Соғинч нима — довон оша йўл,  
Шу жойларда қолган ўйларим.  
Ҳасратларим, дардим гарчи мўл,  
Шёрларимда гулнинг бўйларим.

Мен интилиб, кутган дам қани?  
Кетолмайман кўзлардан топиб.  
Умрим лаҳза, ёнган бир ондир,  
Баҳорларга қолдим алданиб.

Шёр яшайди юракда ҳамон,  
Ҳамон кўнглим недандир нотинч.  
Икки дунё ораси — уммон,  
Икки дунё ораси — соғинч.

Тоҳирнинг ғалати одати бор. Баҳордан  
кеч кузгача ҳар куни эрталаб қуёш чиқма-  
сидан аввал туриб, ҳовлидаги майсалар ус-  
тида ялангоёқ юради. Муздек шудринган  
танаси ярайди. Ҳовлисиди ям-яшил май-  
саларни кунда-кунора сугорди. Димоғига  
ўт-улан ҳиди урилиб, хузур қўйлади.

Бугун ҳам ўриндан турдию юз-кўлини  
ювиб, майсаларга кўз ташлади. “Анча ўсиб-  
ди. Уч кундан бери уларга қарашга ҳеч ким-  
нинг қўли тегмагандир. Болаларим ёш, хо-  
тиним ишдан, уйдаги юмушларидан орт-  
майди”, деган ўйда шимин-  
нинг этагини қайриб, май-  
салар устига қалам қўйди.  
Оёғига муздек шудринг на-  
фаси урилди. Шу пайт беҳи-  
тиёр ҳаёлига Мунисанинг  
кунни кеча айтган гаплари  
келиди “Қизиқ, — деб ўйла-  
ди у, — шабнамнинг ҳам со-  
яси бўларканми?”

Муниса билан танишга-  
нига ҳали кўп бўлгани йўқ.  
Лекин бу нотаниш аёл унга  
шунчалик таъсир ўтказган-  
идан ҳайратга тушди.

Ушанда у эрталаб ишга  
кетаётганда. Тонгда шаҳар  
кўчаларининг файзи бўлак-  
ча бўлади. Тоҳир навбатдаги чорраҳага ет-  
ганда, ёнидаги машинага кўз қирини таш-  
лади. “Қаймоқранг “Нексия” рулида ўттиз  
беш ёшлардаги жувон ўтирарди. Олдига у  
айёлларга синчиқлаб қарайвермасди. Лекин  
жувон нимаси биландир унинг эътиборини  
тортиди. “Истараси иссиқ экан, ўзим ора-  
стага ўхшайди”, деб ўйлади у. Сарик чироқ  
ёниши билан жувон машинани ўриндан  
жилдириди. “Чаққонгина экан”, деган ўйда  
Тоҳир ҳам гезди бошди. Кейинги светофор-  
да негадир жувоннинг эътиборини торти-  
си келди ва машинасини у билан ёнма-ён  
тўхтади. Аммо жувон қайрилиб ҳам қара-  
мади.

Яна икки-уч чорраҳага кетма-кет  
боришга, Мустанқиллик майдонига яқинлаш-  
ганда аёлининг машинаси чапта бўрилиб  
кетди. Тоҳир ишончасига етиб келгунча,  
жувоннинг мағрур қўёғасини икки-уч мар-  
та кўз олдига келтирди. Кейин ишга шўнгиб,  
ундан чалғиди.

Тоҳирнинг шурида нимадир ўзгарган-  
дек эди. Ҳар куни ўша нотаниш жувон бил-  
ан ёнма-ён босиб ўтилган йўлга етганда  
атрофта аланглаб, қаймоқранг “Нексия”  
ни қилдира бошларди. Баъзида бу иши ўзига  
эриш туюлиб, “Менга нима бўлди ўзи?  
Бировнинг хотини бўлса...”, деган ўйда  
ўзига дакки берарди. Лекин, барибир, жув-  
он ҳақида ўйламаслиқнинг иложини  
қилолмасди.

Бир куни эрталаб кийимларини алмаш-  
тираётди: “Ажабмас, бугун уни учратиб  
қолсам”, деган умид кўнглидан ўтди. Ния-  
ти ҳолис экан, йўлдаги супермаркет яқини-  
да тўхтаб турган қаймоқранг “Нексия”ни  
кўриб, тушуниқсиз истак етовиди машина-  
сини четта олиб тўхтади. Кўнглида эса ўша  
жувоннинг машинасимкан ўзи, деган  
шубҳа ҳам йўқ эмасди. Айни чоғда “Ўртоқ-  
ларимдан бирортаси бу аҳолимни кўрса,  
умрининг охиригача ҳингома қилиб ўтади”,

деган андиша кўнглига келди. Рост-да, ахир,  
ошна-оғайнилари орасида эг жиддийси шу  
— Тоҳир бўлса... Узро йингиларда аёллар  
мавзусида гап очилса, ўглаб кетанганлар-  
ни тартибга чакириб тура-да, ўзи бугунги  
кунда ўн беш яшар ўсмирдек...

“Ушанга ўзи хижолат тортиб, машини-  
ни энди юришмоқчи бўлиб турганди, жу-  
воннинг қораси кўринди. Тоҳир ундан кўз  
узолмай туриб қолди. Жувоннинг қалди-ба-  
сти келишган, юришлари олдин ва чирой-  
ли эди. “Худди гимнастикчиларга ўхша-  
ркан”, деган ўй ўйди Тоҳир-  
нинг кўнглидан.

Жувон машинасини юри-  
гизди. Тоҳир унинг ортидан  
йўлга тушди. Тагин чорра-  
ҳада ёнма-ён тўхтади. Жу-  
воннинг юз-кўзларини эс-  
лаб қолишга урингандек,  
Тоҳир унга синчиқлик бил-  
ан тикилди. Жувон ҳам у  
тарофга ўтирилди. Қарашла-  
ридан ақли ва қатъийли  
экани кўриниб турарди. Жу-  
вон майин жилмайди. Во  
ажаб... Мана шу бир лаҳза-  
лик табассум Тоҳирнинг  
назариди, дунёни ёритиб  
юборгандек бўлди...

У ўйда келганда жувон  
аллақачон жўнаб кетган, орқада турнақа-  
тор тизилиб турган машиналар тинимсиз  
сигнал чаларди...

— Адаси, нега бунча паришонсиз? —  
деди кечқурун хотини.  
— Чарчаганга ўхшайман.  
— Бўлмасам-чи, ахир, икки-уч йилдан  
буён дам олиш нимагинини билмайсиз.  
Фирмангизни ишларим бор бўлсин, сира  
узанигини ўйламайсиз.

— Ишлаш керак, аяси, ишлаш керак.  
— Бирор ҳафта дам олсангиз, ишларин-  
гиз тўхтаб қолмас. Ёрдамчиларингиз бор,  
ахир... Нима сизсиз удалашолмайдигми?  
Беш-олти кун бирорта санаторийга бори-  
нг, одам узанимни ўйлаш керак-ку...

— Ҳўп, сен нима десанг, шу...  
Латифа кўзларини қатта-қатта очиб, эри-  
га бирпас қараб турди-да, шарақлаб қулиб  
юборди.

— Тавба, шунча йил бирга яшаган  
бўлса, биринчи марта, гапимга эътироз  
билдирмадингиз...  
— Шунчами? — қўлимсирлади Тоҳир. —  
Қариямиз-да, аяси. Сен эса пайтдан фой-  
даланиб, жловини қўлингга олсан.

Латифанинг юзигади кулгичи янада чу-  
қурлашиб, мириқиб қулади. Сўнг Тоҳирнинг  
елкасига аста туртиб:

— Қўйинг-э, жловингиз ўзингизга бу-  
юрсин, — деди эрка товушда.

Тоҳир хотинининг мана шу кулгисини  
ёқтирар, у шарақлаб қула бошлаганда, ич-  
нидан завқланиб кетарди. Аммо бу сафар  
ундай бўлмади. Латифанинг кулгидан ёриш-  
ган юзига термилиб туриб, ўша, нотаниш  
жувоннинг табассумини эслади...

\*\*\*

Ишончасига бораётди яна қаймоқранг  
“Нексия”ни эслади. Шунда ўз-ўзидан жаҳ-  
лд чиқиб, тутади: “Менга нима бўляпти  
ўзи? Кап-қатта одам ёш боланинг қилиги-  
ни қилиб юрсам. Ўзи ким, у? Нега унга  
ёпишиб олдим? Ўйлашга тузуқроқ ўй

йўқми? Чарчаганман, ҳамма гап шунда.  
Бўлмаса, ҳали бир оғиз гаплашмай, ким-  
лигини ҳам билмай туриб... Латифа тўғри  
айтди, дам олишим керак”.

Унинг муллоасини сезгандек, тушта  
яқин ўртоғи Мирсаид кўнгирик қилди:  
— Таббиркорлар, анжундаги кетяп-  
ман, тода янги дам олиш масканининг  
очилиш маросими бўларкан. Истарсан, сен  
ҳам юр, балки янги шериклар толарсан,  
жула бўлмаса, икки-уч кун дам олиб ке-  
ласан, — деди у.

— Қачон жўнасан?  
— Гушакнинг у ёғидаги овоз жонланди:  
— Борасанми?  
— Сен таклиф қилсан-у, йўқ дейман-  
ми?

— Хайрият-эй, сеням ишхонангдан  
олиб чиқса бўларкан-у, жура. Эртага эрта-  
лаб йўлга чиқамиз, жула сўлим жойлар...

— Чет элдаги оромгоҳлардан қолишмай-  
ди.

— Ҳа...  
Гап гапта уланди. Тоҳир жувоннинг исми  
Муниса эканини, ҳусеий таббиркорлик  
билан шуғулланишини билиб олди.

— Бизнинг ишимиз латта-пўста билан,  
— деди Муниса қўлимсираб. — Бир қарич  
латта топсақ ҳам, хотин-халажининг устини  
бўтлайлик, деб ҳаракат қилиб ётибмиз...

— Одамларни қийинтириш яхшику-я,  
— фикраини сўхтаётганга тикилди Тоҳир,  
— фақат ҳамма кийим бир қаричдан бўп  
кетмаса бўлган...

Бу гап жувонга ўзгача наша қилди ше-  
килли, қаҳ-қаҳ отиб қулиб юборди ва мана  
шу кулги улар ўртасидаги бетоналикка ба-  
рҳам берди.

\*\*\*

Тоҳир ўзи сезмаган ҳолда Мунисага боғ-



Мана кўрасан, афсусланмайсан.

— Келишдик.  
Тоҳир энгил тин олди. “Яхши бўлди, —  
деган ўй ўтди унинг кўнглидан. — Ажаб-  
мас, шу баҳонада анави бемани хаёллар-  
дан қутилсам”.

Эрталаб йўлга тушди.  
Мирсаид таърифлаганича бор экан. Та-  
бият гўзал, тоза ҳаво, ўзим мириқиб дам  
олишди. Эртасига туриб-да, олатлагидек,  
барвақт уйғонган Тоҳир оромгоҳ ҳовли-  
сида айланиб юраркан, йўлак охиридаги  
ўриндикда хаёл суриб ўтирган бир жувонга  
кўзи тушиб, “Дам олувчилардан бирор-  
таси бўлса керак-да, у ҳам вақтдан туриши-  
ни ёқтираркан”, деган ўйда йўлда давом  
этди. Аммо жувоннинг ёнидан бепарво  
ўтиб кета олмасди. Аллақандай савқитаби-  
ий қизиқиш измида унга қаради... Қара-  
ди-ю, юраги қинидан чиққудек гулшайиб  
туриб кетди: бу ўша — қаймоқранг “Нек-  
сия” соҳибаси эди. Майсаларга уйчан тик-  
илиб ўтирган жувон юзиди ним табас-  
сум билан унга салом берди.

Тоҳир бош иргаб алик олarkan, бир со-  
нидада кўнглидан минг хил хаёл ўтди: “Ол-  
дига бориб ўтирайми, гапга солайми?... Нима  
деб ўйларкан? Ёнига яқинлашганимда,  
ўриндан туриб кетса-чи... Нима деган одам  
бўламан?”

— Ҳавонинг зўрлигини қаранг, — деди  
жувон минг йиллик танишига гап қотпан-  
дек бепарво оҳангда.

— Манави бошқа гап, энди бемалол у  
билан гаплашсам бўлади”, деган хаёл То-  
ҳирнинг кўнглини ёритди.

— Жойнам бошлабимизми? Дам олиш-  
га келадиганлар ҳам мазза қилди.

— Нимасини айтасиз, шаронтириям  
чакмас.

ланиб қолганди. Кечки пайт  
оромгоҳ ҳовлисида жувонни  
яна ёғиз учратди. Бироз гап-  
лашиб ўтиришга, жувон уни  
ўзининг хонасига таклиф  
қилди. “Шунчалик дадиллик билан мени хо-  
насига олиб кетяптими, демак, бошида эри  
йўқ”, деб ўйлади Тоҳир. Сўхбат асосида  
бу ҳақда жувондан икки-уч бор сўрамоқчи  
бўлди-ю, уни ҳаф қилиб қўйишдан чўчи-  
ди.

Тоҳир бир гапириб, ўн қулиб ўтирган  
жувонга зимдан тикилди. “Наҳотки у ҳам  
енгилтақ аёллардан бўлса?...” Шу ўй кўнгли-  
дан ўтиши билан жувонга бўлган қизиқи-  
ши сўнди. Лекин нима қилиб бўлса-да,  
унинг оиласи ҳақида билгиси келди.

— Турмуш ўртоғингиз бу ёқларга сизни  
ёғиз жўнавердимми? — деган савол унди  
унинг тилидан.

Жувоннинг юзигади кулги бир зумда  
гойиб бўлди.

— Ҳужайиним вафот этганлар, — деди  
жувон шарбатдан стаканга қуряқан уйчан-  
лик билан.

— Мени кечиринг... Уэр... — деди Тоҳир  
ўйнайсизилан.

Жувон унга жовлираб қараб олди-да,  
юзини тескари бурди.

— Ҳечқиси йўқ.  
— Бу дунёда ёғиз яшаётган бир сизми,  
Муниса?... Ҳар ким пешонасида борини  
кўради-да, — деди нима деганини билмай  
қолган Тоҳир.

— Тўғри айтасиз, менинг ҳам пешонам  
шундай экан. Бўлмаса, шунча ҳаётни орзу  
қилибмидиз?...  
— Бечора, — деб ўйлади Тоҳир, — қувноқ  
кўринса-да, ичи тўла ҳасратга ўхшайди...  
— Орага ноқулай жимлик чўки. Неча кун-

дан буён тушуниқсиз истаклар етовиди  
мана шу жувонга талпинаётган Тоҳир шу  
тобда ўзини қоққонга тушган шердек ҳис  
этар ва тезроқ хонани тарк этиб, юраги-  
ни қоқлаб олган гапшиқдан халос бўлишга  
ошиқарди. Лекин айни пайтда, Муниса  
ҳақида, энг-кўпроқ нарсаларни билгиси  
ҳам қўлаётганли...

— Биламан, мен ҳақимда билгингиз ке-  
ляпти, — деди Муниса дабурустан.

— Йўғ-э... Ҳа, энди... — чайнади Тоҳир.  
— Мен ҳам ҳамма қизлардек орзу-ҳавас-  
ли келинчак бўлганман, — деб бир нуктага  
тикилиб гап бошлади Муниса. — Ўзим  
ёқтирган йиғитга турмушга чиқдим. Турмуш  
ўртоғим Воҳид ака ҳарбий эди. Чегара  
қўшинларида хизмат қиларди. Биз шу қалар  
бахтиёр эдикки, кўрганлар Тоҳир Зўрҳом  
булар, деб ўйлашарди. Воҳид акам алп  
қомат, зардали ва мард йиғит эди. Шундай  
бўлса-да негадир майсалар ва шудринлар-  
ни жула яхши кўрарди.

— Хизматдалик пайтим, кечаси навбат-  
чиликда турсам, баъзан, осмондаги юлдуз-  
ларга тикилиб ўйлаиб қоламан, — дерди  
у киши. — Назаримда ўша юлдузларнинг  
муҳаббати ерга, биз қўриқлаётган ватан ба-  
ғридаги майсалар кучогига шабнам бўлиб  
тўкилаётгандек туюлади.

— Агар ҳарбий бўлмаганингизда, сиз-  
дан зўр шoir чиқарди, — дердим завқ-  
ланиб.

Воҳид акам қулиб:  
— Сен шабнамдек тозасан, — дерди эр-  
қалаб. — Осмондан менинг бағримга  
тўкилансан...

Мен эса:  
— Ҳар кеча осмондан  
майсалар бағрига ўзини таш-  
лаётган шабнамдек, сизнинг  
қўсингизга бош уришга тай-

Санъат педагогикаси мураббийдан ҳар бир талабанинг иқтидорини ва имкониятларини ўқув жараёнининг дастлабки палласидеяда аниқ ҳис этишни тақозо этади. Негаки, бу талабалар бутун ўқув жараёнининг ибтидосидан интиҳосигача бир оила фарзандидек яшашлари, ҳаракатда бўлишлари лозим. Устоз эса ҳар бирининг имконияти ва эҳтиёжини назарда тутган ҳолда иш юритади. Шу билан бирга санъат педагогикаси мураббийдан ҳам, талабалардан ҳам имкон қадар фидойиликни талаб этади. Зотан, бу соҳа заҳматкашлари фаолияти кўпроқ амалий машғулотлар доирасида кечади.

Ўзбекистон халқ артисти Турғун Азизов кўп йиллар давомида асосий фаолиятдан ажралмаган ҳолда саҳна санъати педагогикаси борасидаги хайрли ва ибратли ишлари билан юртимиз санъат ва маданият аҳлининг эътиборини қозониб келмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон давлат Санъат институтида устоз санъаткор раҳнамоликда театр санъати "алифбо"сини ўрганиб, билим ва малака ортиртган кўплаб шогирдлар турли санъат масканларида самарали ишлаш олаб бормоқда.

фатида ўзи раҳбарлик қилиб, билим ва тарбия берган шогирдларидан Гулнара Жуманазарова, Нигина Анорбоева, Бахтиёр Юсупов, Икhtiёр Отажонов, Наврўз Жумаевларни Ўзбек Миллий академик театрига етказди. Ўзи саҳнага қўйган "Ўзбекча раск" спектаклидаги асосий ролларни ишониб топширди.

Бош роллар ижрочилари Гулнара

## УСТОЗ ВА ШОГИРДЛАР

Жуманазарова (Кумри), Нигина Анорбоева (Маша), Бахтиёр Юсупов (Турсунбой) катта саҳна, янги муҳит ҳавосини тез фурсат ичида ўзлаштириб,



кул эканини тан олиб, институтда қилиб ишлашга хоҳиш билдирмаган. Турғун Азизов эса чорак асрдан зиёд давр мобайнида шу ўқув масканида сабоқ бериб келади.

Бундан 55 йил муқаддам ўзбек миллий режиссура санъати асосчиларидан бири Тошхўжа Хўжаев ўз қаноти остига олиб таълим берган Турғун Хонтураев, Турғун Азизов, Тўти Юсупова, Мирғиёс Соатов, Хожиақбар Иброҳимов, Аббор Қосимов; Зебо Солиева, Аҳмад Ваҳобов, Ғолиб Искандаров сингари шогирдларини ҳамза номдаги Ўзбек давлат академик (ҳозирги ўзбек Миллий академик) театрига ишга жойлаб, уларнинг истиқболдаги камолотига бош-қош бўлишни зиммасига олган эди. Орадан 55 йил ўтган, Турғун ака устозга содиқ шогирд си-

томошабинлар эътиборини қозонди. Г.Жуманазаровадаги дадиллик, шижоат, кечинмалардаги самимият, Н.Анорбоевадаги образга синчковлик, ўткир эҳди билан ёндашиш салоҳияти, хатти-ҳаракатлар ва туйғуллар нафосати, Б.Юсуповдаги саҳнабоб ёқимли иста-ри, ўз кайфияти, ҳиссиётларига томоша залини ҳам ошно қила олиш фазилатини алоҳида таъкидлаш лозим.

Бугун театрининг етакчи актёрлари даражасига кўтарилган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Мадина Мухторова, Абдураим Абдуваҳобов, Нодира Маҳмудова, сўз устаси Мирзабек Холмедов (бу каби шогирдлар жуда кўп) Турғун Азизов устахонасида режиссёр Мунаввара Абдуллаева ҳамкорлигида таълим олган санъаткорлар сирасига қиради. А.Абдуваҳ-

Жаҳон тиллари университети талабаси Дилдор Ғозиеваннинг мақоласини катта қизиқиш билан ўқиб чикдим. Муаллиф музейларимиздан унумли фойдаланиш билан бирга, мактаблар, лицейлар ва коллежларнинг ўқувчиларини ташкил этиш фойдадан холи эмас деб ёзади. Чорак аср Ўзбекистон давлат Санъат му-

Зеро, ким тарихни билса, ҳаётни яхши англайди. Талаба мақоласида "Тошкент шаҳар мактабларининг музейлар билан алоқаси анча яхши йўлга қўйилган" деб айтади. Бироқ бу баҳслий фикр. Ёшларнинг кўпи цирк, кино-театр, театрларни яхши билишади-ю, музей ҳақида гап бурса, жим бўлиб қолади.

## “МУЗЕЙ — ТАРИХ САБОҚНОМАСИ”

(“ЎзАС” 24 сентябр, №39)

зейида санъат тарғиботчиси бўлиб ишлаган кезларимда бу фикрларда жон борлигига амин бўлганмиз. Томошабиннинг аксариятини ёшлар таш-

Пойтахтда яшаб туриб ҳам билмаганларимиз анча-мунча топилди. Илгарилари гажум бўлиб турган тарих, табиат, санъат ва геология музейларида ўқувчилар жуда кам келишарди. Маҳалла бола-ларидан "фалон музейни биласанми?" деб сўрасангиз елка қисшиди.

Мақолада музейларнинг аҳамияти ҳақида гап борганда бошқа музейларга нисбатан гажумроқ Темирийлар тарихи давлат музейи экскурсоводи сўзларидан далиллар келтирилган. Экскурсовод ўқувчиларнинг музейга қилишидан кўнгли тўлмагани ҳақида куй-иб-пишиб гапирди.

Хўш нега бундай? Томошабинларни музейларга ким жалб этиши керак? Музей юксак маънавият ўчоги эканини нахотки хурматли ота-оналаримиз, устозлар билшимасиз? Фикримча, ҳар бир музейда ўз ишини яхши биладиган малакали ходимлар кўпайса, ташкилий ишлар тўғри йўлга қўйилса ишлар анча жонланади, деб ўйлайман.

Махмуд АХМЕДОВ, санъатшунос.

## Акс садо

Масъуллардан бўлганимизда мактаб музейларини ҳам кўрганмиз. Таниқли рассомларимиздан Хикмат Раҳмонов бир вақтлар "Мактаб музейида" рангтавир асарини яратганди. Унда ўқувчи бува ва бувисига экспонатларни таништириётгани акс эттирилган.

Уша пайтларда пойтахтимиздаги 40,41-мактабларда ҳам мактаб музейи бор эди. Сирасини айтганда музейлар нафақат мактаб, лицей, коллежлар, балки ўқув даргоҳларининг барчасида бўлса ёш авлодининг ўз ўтмишига нисбатан муносабати ўзгаради.

бов талабалик йилларини шундай эслайди:

— Театрда узоқ йиллар давомида ишлаб, бой ижодий тажриба, ўрганган арзигулик малака орттирган санъаткорга шогирд бўлишни орозу қилардим. Бунга қарангки, ниятим ижобат бўлиб, Турғун Азизов саҳна санъатидаги, театрдаги устозим бўлиб қолди. Бироқ устоз билан чиқишиб кетиш мен учун (балки бошқалар учун ҳам) осон кечмади. Биз уни жуда яхши кўрардик, айрим ҳолларда эса ҳақдан ташқари талабчанлигидан чарчаб кетардик. Шунга қарамай, устозга хурматимиз, меҳримиз қамаймасди. Устоз кўнгли тўлмаса ҳаммаимизни қаро терга тушунимизча ишлатарди. Кўп танбех эшитардик, ишдан зада бўлиб кетган пайтларимиз чиқардик... чидайверардик. Чунки барибир устозсиз яшай олмаслигимизни ҳар биримиз ич-ичи-

дуллаевдан сабоқ олган Замира студентлик давридаюк педагогикага қизиқди. Талабчан бу шогирдим ҳар бир ишни рисоладагидек бажармагунча кўнгли жойига тушмайди. Илдан-йилга билими, кўника ва малакаси ошиб бормоқда. Баъзида гуруҳдаги барча ишларни ўз зиммасига олади. Утган ўқув йилида шогирдларим билан саҳнага қўйилган А.Чехов асарини асосидаги бир пардали водевилларда Замирахоннинг ижодий ҳиссаси

## Санъатимиз фидойилари

салмоқли бўлди. Актёрлик маҳорати ўқитувчиси Нодира Маҳмудова каби кўплаб шогирдларим ҳам худди шундай ишга чанқок, изланувчан педагоглардир. Улардаги шу жиҳатларини жуда-жуда қадрлайман.

Ўзбекистон давлат Санъат институтида ҳар ўқув йили якунида ўтказиладиган талаба-ёшлар ижодиёти фестивалида бу йил Турғун Азизов ва Замира Ахмедова саҳнага қўйган А.Чеховнинг "Айик", "Илтмос", "Юбилей" ва "Тўй" бир пардали водевиллари йилнинг энг яхши спектакли деб топилди, курс талабалари ва раҳбарлари фестивалнинг фахрий ёрликлари ҳамда қимматбаҳо совринлар билан тақдирланди.

Бу ҳақда устоз шундай дейди: "Гарчи бу ўз институтимиз даврасидаги мўъжаз бир ижодий фестивал бўлса-да "Баркамол авлод йили"да шундай мукофотга лозим кўришганидан бошим кўкка етди. Бу кунни ва бу мукофотни умримнинг охиригача фахр ва гурур туйғулари билан эслаб юраман". Санъаткорнинг актёрлик маҳорати, саҳна синоатлари хусусидаги сабоқларига қизиққанлар устоз қаламига мансуб "Менинг режиссёрлик ишларим", "Кимлар тўй-файли" ҳамда рафиқаси, марҳума Роза Азизованинг "Хаёт ҳикоялари" китобларини ўқиб, санъат сирларини идрок этишлари мумкин.

Бир вақтлар Балъазак ҳақиқий адабиётини тошу тупроқлар уюми орасидан кен излаётган кишига қиёс қилган эди. Бизнингча, бу фикрни режиссура ва педагогика соҳасида бутун борлиги билан излашлар олиб бораётган Турғун Азизовга ҳам таъдиқ этиш мумкин.

"Режиссёр номи саҳнага қўйилган спектаклларида яшайди, шундай эмасми?" дея берган саволларига устоз: "Йўқ, ҳар қандай санъаткорнинг ёхуд қўлидан иш келадиган, ҳунари бор одамнинг номи аввало ўзига муносиб издошлари — тарбиялаган шогирдларида яшайди", деб жавоб берди.

Шогирдлари унинг тафаккур тарзи, кучи, қудрати, ҳиссиёт эҳтирослар олами билан яшаётган, уларни камолга етказиш йўлида изланаётган ҳақиқий устозга ҳавас қилса, арзийди деб ўйлаймиз.

Махсума ХОЖИМАТОВА, Санъат институти ўқитувчиси

## Умрбоқий наволар

Муסיқа санъати ривожига бетакорр ҳисса қўшган инсонлар ҳақида сўз кетганда, Тўхтасин Жалилов, Манас Левиев, Зеир Ҳожибеков, Фарҳод Алимов, Мустафо Бафоев, Абдушариф Отажонов каби бастакорлар номини хурмат билан тилга оламиз. Улар яратган асарлар хали-ҳануз юртимиз театрлари саҳналарида миллионлаб қалбларга эстетик завқ бағишлаб келяпти.

Ўзбекистон давлат консерваториясида ўтган "Сўғдиёна" ўзбек халқ чоғулари камер оркестрининг "Умрбоқий наволар" деб номланган янги концерт дастури бугун орамизда бўлмаган ва ҳозирда ҳам ижодда давом этаётган ана шундай санъат дарғалари ижодига бағишланди. Тадбирда дирижёрлар, драматурглар, опера ва балет яққолан

ижрочилари, Муқимий номдаги ўзбек давлат муסיқий театри актёрлари ҳамда Тошкент давлат маданият институти талабалари иштирок этди.

"Биринчи марта ўтказилаётган бу каби дастурда ёшлар фаол қатнашганидан хурсанд бўлдим, — дейди оркестр дирижёри, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Феруза Абдурахимова. — Концертда ижро этилган асарлар муаллифларининг аксарияти бугун орамизда йўқ. Бугунги дастур уларнинг хотирасига хурмат бўлиши билан бирга, ёшларимизни муסיқий меросимиз билан яқиндан таништиришда муҳим аҳамиятга эга".

Флора ФАХРУТДИНОВА

## “Леонс ва Лена” ўзбек саҳнасида

Таниқли немис шоири ва драматурги Георг Бюхнернинг "Леонс ва Лена" комедияси 1836 йили ёзилган бўлса-да, орадан кўп йиллар ўтган, саҳна юзини кўрган. Сабаби, адабиёт бўйича Лейпцигга ўтган танлов учун ёзилган бу асарни ёзувчи ўз вақтида жўната олмаган. Ўзбекистон Жаҳон тиллари университети

немис филологияси факултети талабаларидан ташкил топган "Alles Theater" труппаси шу асар асосидаги спектаклни томошабинлар эътиборига ҳавола этди. "Ўзбекистонда Германия ҳафталиклари" доирасидаги мазкур тадбир Германия академик алмашувлар хизмати ва Роберт фонди ҳамкорлигида ўтказилди.

## ЭКРАНДА ЯНГИ ФИЛМ

Кунни кеча "Ўзбеккино" Миллий агентлигида "Илк филм" киностудияси билан ҳамкорликда ишланган "Дада" филмининг тақдимот олдидан матбуот-анжумани бўлиб ўтди. Мазкур киноасарда замондошларимизнинг ҳаёт тарзи, ўй-фикрлари билан танишасиз.

мошабинга юмор орқали тез етиб боради. Бизнинг қаҳрамонимиз ҳам кулгили ҳолатларга тушиб қолади. Кўриб турганингиздек, тақдирнинг қутилмаган бурилиши, яъни воқеалар ривож бокс бўйича жаҳон чемпиони Зафар (Улуғбек Қодиров) ни бора-бора "дада"га айлантиради. Сизда савол туғилиши мумкин. Томошабинлар Зафарнинг хатти-ҳаракатларига ишонадими? Менимча ишонди. Негаки, томошабинларимиз ниҳоятда ишонувчан, кўнглинчандамлар. "Голливуд"нинг жангари фильмининг кўриш билан бир пайтда ҳинд мелодрамаларини ҳам тасвирланган кўради. Қолгаверса, ҳозирги кун ёш томошабинларнинг талабини ҳам унутганимиз йўқ".

Бугун катта имтиҳон арафасида турган "Дада" филмининг премьераси Алишер Навоий номдаги санъат саройида бўлади.

## Премера

# ОПЕРА — ЮКСАК САНЪАТ

Бошланиши биринчи саҳифада

1. Ёшлигимдан ижодий муҳитда улгайганим учун санъатни, муסיқани тушунишни қийин кечмади. Дастлаб ижодимни "реп" йўналишида қуйлашдан бошлаганман. Кейин операга қизиқиб қолдим. Устозларим овозинг басс ижросига тўғри келади, дейишганидан сўнг операда ҳам ўзимни синаб кўриш истаги туғилди. Кенг маънодаги ижодни опера санъатида кўрялман.

Кўпинча бирор асардан ария қуйламоқчи бўлсам, ўнга яқин вокал ижросини тинглайман. Овозим профессионал санъат талабларига жавоб берсагина катта саҳнага чиқаман.

Ижод сиздан катта маҳорат, меҳнат ва истезод талаб этади. Назаримда унинг моҳияти ҳам ана шу жараёнда мукаммалдир. Опера юлдузлари Муслим Магоммаев, Александр Видерников, Лучано Павароттининг ижодий сирини ҳам шунда бўлса ажаб эмас. Сабаби, уларнинг ҳар бирида ижодкорлик қобилияти ҳамда тингловчинни ларзага соладиган катта ижод бор.

Концерт ўтказадиган куним деярли ҳеч ким билан гаплашмасликка ҳаракат қиламан. Сабаби, образ рўҳига кириб, уни ҳис қилишим учун вақт керак бўлади. Ўзингиз ҳис қилсангизгина ўзга қалбларга етиб бориши мумкин.

Франция, Португалия, Испания, Малайзия давлатлари ва Москва шаҳрида бўлиб ўтган халқаро танловларда иштирок этиб, амин бўлдимки, саҳнага чиқадиганимиз, сиздан катта санъатни, профессионал ижрони талаб қилишади. Ҳатто шундай ҳолатлар ҳам бўлганки, концерт бошланишида беъэтиборгина кутиб олишади. Чунки, уларнинг наздида, бошқа бир миллат боласи қандай қилиб, операни италян ёки французнинг ўзидай қуйлаши мумкин.

Бу албатта, зимнамизга оғир маъсуляти оқлайди. Лекин концерт охирида ижроимизни тинглаб, ўрнидан туриб, олқишлар билан қузатиб қўйишдан пайтлар кўп бўлиб туради. Яна ва яна қуйлаб беришимни сўрашади. Лекин бизда вақт чегараланган. Бошқа иштирокчиларга ҳам навбат бериш керак.

2. Юртимизда ижод эркинлигига кенг йўл очилган. Айниқса, ёш истеъодларни кўлаб-қуватлашга, рўҳий-маънавий кўмак беришга катта эътибор берилмоқда. Халқаро танловларда иштирок этиш учун кенг имкониятлар яратилган. Кўпчилик ёшларимиз дунё миқёсида ўтказилган танловларда қатнашиб, ютуқларни қўлга киритиб қайтишяпти. Жаҳон санъати талаб-

рига жавоб бера оладиган овозга эга бўлган ёшларимиз кўп. Лекин, шу билан бирга, муаммолар ҳам йўқ эмас. Эстрада йўналишида қуйлашдан айрим тендосларимиз ижодида изланишлар кузатилмади. Кўпинча, бир хил ритм ва оҳангдан нарига ўта олишмаяпти.

Ашула деганда, юрак уришини ҳис қиламан. У шуни билан ҳам юрак уришига ўхшайдики, ҳаёжон ритмга солинган ҳолатни акс эттиргандек бўлади гўё. Назаримда, яратилган қўшиқнинг ҳар бир ритми муסיқа оҳангига қараб ўзгариши керак. Лекин афсуски, кўпчилик ёш эстрада хонандида ижодида шу жиҳат сезилмайди. Масалан, улар дастлаб бир хил оҳангни топиб олади-да, қўшиқ охиригача шу ритмда ижро этаверади. Масалан, "со-о-гинди-им" деб

## Навқирон авлод сўзи

қуйласаю, сонинганига ишонтиролмасам, ижод бўлмайди. Қўшиқчиликда авж, тезлик ва секинлик ҳам керак.

Опера юлдузи Муяссар Раъзоқова санъатида алоҳида хурмат билан қарайман. Унинг ижросида самимийлик ва мукамаллик бор.

3. Саҳнага чиқсам, образим рўҳида яшай болайман. Ижодкорнинг маъсуляти ҳам шунда. Ўйлашимча, санъаткор саҳнада томошабиндан бир поғона юқорида туради. Бунга рамзий маънода тушуниш ҳам мумкин. Унинг жамятдаги ўрни ва вазифаси ҳам ана шу вазиятда юзага чиқса ажаб эмас. Яъни, санъаткор ўз дунёқараши, маънавияти, ижоди туйғули оммани ўз ортидан эргаштира олиши керак.

Биласиз, опера ижрочилигида уч тур овоз бор. Тенор — севги-муҳаббат образини яратиб унун керак бўладиган илгич овоз бўлса, баретондан, кўпинча, иккинчи даражали роллар — аёс, рақиб образида фойдаланилади, бабб, эса, қирол, ота, хуллас, ёши катта инсонлар образини яратиш учун керак бўлган йўғон овоз. Аслида, бундай овоз ўттиз ёшдан сўнг шаклланиди. Ёшмига нисбатан каттароқ ролларни ижро этаман. Ўзбекистон халқ артисти Зенит Пиловнинг неварасиман. Бобом ҳам бас йўналишида ижод қилган.

"Оқсоч ва хўжайин" операсидан "Умберто" партиясидаги хўжайин образини яратганман. Бу опера айнан мен учун ёзилгандай гўё. Орамиздаги роллар ва ариаларни қуйлаганимда тингловчилар ҳам мени ҳис қилаётганини сезаман. Бир ижодкор учун бахт ҳам шунда бўлса керак. Энг катта орузим — ўзбек санъатини опера Ватани саҳналарида қуйлаш.

Пойтахтимизда маданият, санъат ва мода соҳасидаги энг йирик лойиҳалардан бири бўлган "Art Week Style, uz — 2010" санъат ҳафталиги бўлиб ўтди.

Мазкур лойиҳа "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, маданиятнинг турли соҳаларида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ва ижодкорларни кўлаб-қуватлашга доир маҳаллий ва халқаро тузилмалар ҳамда ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ, Британия кенгаши каби жомат ташкилотлари ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда Ўзбекистонлик ва хорижий санъат арбоблари, рассомлар, мушиқчилар, кино, театр ва эстрада юлдузлари, мода санъати вакиллари — дизайнерлар, мода уйлари, брендларнинг соҳиблари иштирок этишди.

## САНЪАТ ҲАФТАЛИГИ

Ҳафталик доирасида фотография ва ноҳир буюмлар кўргазмалари, либослар намойиши бўлиб ўтди. Шунингдек, ис-

маси ҳам катта таассурот қолдирди. Италиялик дизайнер Маг Маганинг янги либослар тўплами иштирокчилар эътиборини жалб этди. Ёш дизайнерлар учун маҳорат дарслари ўтказилди.

Мазкур лойиҳа модлар намойиши ва турли мавзудаги кўргазмаларни ўз ичига олибгина қолмай, Ўзбекистон тарихининг ҳали очилмаган қирраларини кишилар эътиборига ҳавола этаётгани билан ҳам аҳамиятлидир, — дейди Қанқа шаҳарчаси худудидидаги археологлар ишлар раҳбари, тарих фанлари доктори, академик Юри Буржов — Кўргазмада Қанқа шаҳарчасида олиб борилган қазилма ишлари фотосуратлари намойиш этилди. Айниқса, кул-қилич буюмлари, хумлар, тангалар, муҳрлар қадимий тарихга оид топилмалар



теъдодли ёшларни кўлаб-қуватлаш ҳамда мато, андоза ва либослар ишлаб чиқаришнинг қадимий технологияларини тиклаш билан шуғулланувчи тўқима-чилик санъати усталари учун грант ажратилишига алоҳида эътибор қаратилди. Ҳафталик фотосуратлар биенналеи Франциялик рассом Катрин Метта ва италиялик рассом Марко Перего асарлари намойиши билан очилди. Ёшлар ижод саройида ўтказилган анъанавий санъат, мода ва дизайн, ёш рассомлар кўргаз-

фойдаланиш мавзусидаги маърузаси кўпчиликда қизиқиб ўйғотди. Айнан ушбу востига орқали тарихий-маданий ёдгорликларни сақлаб қолши усули янгилик сифатида эътироф этилди. Санъат ҳафталиги якунида италиялик машҳур тенор Хосе Каррерас ва таниқли эстрада гуруҳларининг концерт дастурлари ҳафталик қатнашчиларига завқ-шавқ бағишлади.

Ўз ахборотимиз

